БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 йил чиқиши
№ 230 (3968).
26
НОЯБРЬ
СЕШАНБА
1968 йил
Баҳоси 2 тийин.

ВЕНГРИЯ КОММУНИСТЛАРИГА ТАБРИК

КПСС Марказий Комитети Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетига телеграмма юборди. КПСС Марказий Комитети бу телеграммасида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва халқлари номидан венгер коммунистларини, қардош Венгриянинг барча меҳнаткашларини шонли юбилей билан, венгер ва халқаро ишчилар ҳаракати тарихида муҳим воқеа — Венгрия Коммунистик партияси ташкил топган куннинг 50 йиллиги билан қизғин табриклайди.

Коммунистик партиянинг ташкил топиши, унинг ҳормай-толмай қилган ишлари, дейилади телеграммада, венгер халқининг тарихий тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Венгер коммунистлари Маркс ва Лениннинг улуғ ғояларига амал қилиб, ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг эксплуататорлар тузумини ағдариб ташлаш учун, социализм учун олиб борган курашига етакчилик қилдилар.

Коммунистик партия 1945 йил апрель ойида мамлакат озод қилинганидан кейин халқ-демократик ҳокимиятининг ўрнатилишини ва Венгрияда социалистик ўзгаришларнинг амалга оширилишини таъминлаган етакчи куч бўлди.

Венгрия Социалистик Ишчи партияси Венгриядаги коммунистик ҳаракатнинг революцион традицияларини давом эттириб, ўзининг жанговар штаби — Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитети раҳбарлигида мамлакатда социализм асослари қурилишини таъминлади, эндиликда Венгрия меҳнаткашларини комил ишонч билан социалистик қурилишни тугаллаш йўлидан олиб бормоқда.

Совет кишилари венгер коммунистларининг ўз тарихий йўлининг ҳамма босқичларида венгер ва совет халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ҳамда ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун курашиб келганликлари ва курашаётганликларига юксак баҳо берадилар. Бу дўстлик венгер интернационалистларининг Россиядаги граждан уруши майдонларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси учун тўккан қони билан ва Венгрияни фашистлар асоратидан озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет солдатларининг қони билан мустаҳкамланди.

КПСС Марказий Комитети телеграмманинг охирида венгер коммунистларининг ва Венгриядаги бутун меҳнаткаш халқнинг социалистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тилайди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1968 йил 25 ноябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIV Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум «КПСС Марказий Комитети октябрь пленумининг якунлари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ докладини тинглади.

Доклад юзасидан музокараларда қуйидаги ўртоқлар сўзга чиқдилар: Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. КАМОЛОВ, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. В. ОКУНСКИЙ, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. ХУДОЙБЕРГАНОВ, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. АБДУРАЗЗОҚОВ, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. ҒОИПОВ, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. РАҲИМОВ, «Ташсельмаш» заводининг слесари Т. ҲАЙДАРОВ, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. МУРТАЗОЕВ, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. УСМОНОВ, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. МУРОДОВ, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари А. А. ХЎЖАЕВ, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. МАҲМУДОВ, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. ШАМСУДДИНОВ, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Ҳ. М. НОСИРОВ, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри С. МАМАРАСУЛОВ, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри М. ИБРОҲИМОВ, Главсредазирсовхозстрой бошқармасининг бошлиғи А. А. САРКИСОВ, «Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг раиси И. В. БАБКОВ.

Пленум республиканинг 1969 йилги халқ хўжалик плани ва давлат бюджети лойиҳаси тўғрисидаги докладларни ҳам тинглади ва муҳокама қилди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси С. К. ЗИЕДУЛЛАЕВ ва Ўзбекистон ССР молия министри В. М. МУРОДХЎЖАЕВ доклад қилдилар.

Шу докладларни муҳокама қилишда Ўзбекистон ССР савдо министри Ғ. Ғ. ЮСУПОВ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги химия саноати бошқармасининг бошлиғи И. ЭГАМБЕРДИЕВ, Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министри А. Қ. ҚАЮМОВ, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. И. ИБРОҲИМОВ, пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи бош бошқарма бошлиғи Л. О. НАЗАРЬЯНЦ ўртоқлар қатнашдилар.

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ Пленумда якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIV пленумида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнинг доклади

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Пленуми мамлакат экономикасини ривожлантиришнинг ва партия ташқи сиёсатининг энг муҳим масалаларини атрофлича кўриб чиқди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш масалалари Пленумнинг диққат марказида турди.

Пленум шу нарсани қайта-қайта уқтириб ўтдики, партиямиз қишлоқ хўжалигига айниқса катта аҳамият бермоқда, уни социалистик экономикамизнинг энг муҳим тармоғи деб ҳисобламоқда. Партия В. И. Лениннинг мустаҳкам қишлоқ хўжалик базаси бўлмаса, «ҳеч қандай хўжалик қурилишининг бўлиши мумкин эмас...» деган кўрсатмасига муттасил амал қилиб келмоқда. Қудратли саноат билан бир қаторда гуллаб-яшнаб бораётган, ҳар томонлама ривожланган ва сермаҳсул қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш коммунизм қурилишининг мутлақо зарур шартидир.

Партиямизнинг XXIII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март ва 1966 йил май Пленумлари қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришнинг кенг программасини белгилаб берди. Съезднинг ва Марказий Комитет Пленумларининг ҳужжатларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини жадал ривожлантиришни таъминлайдиган иқтисодий, сиёсий ва ташкилий чораларнинг илмий жиҳатдан асосланган системаси аниқ баён қилиб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми партия XXIII съездининг ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қишлоқ хўжалик масалаларига доир қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини тинглаб ва батафсил муҳокама қилиб, тегишли қарор қабул қилди. Пленум ҳужжатларида қилинган ишларнинг натижалари якунланди, қишлоқ хўжалигидаги ва мамлакат халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ўзгаришлар чуқур анализ қилиб берилди.

Пленум совет халқи хўжалик ва маданий қурилишда катта муваффақиятларга эришганлигини мамнуният билан қайд қилди. СССРнинг саноат маҳсулоти 1966 — 1968 йилларда қарийб 30 процент кўпайди. Мамлакатда бир мингдан кўпроқ катта саноат корхоналари ва объектлари ишга туширилади. Бир қанча актуал техникавий проблемалар ҳал қилинди. Меҳнаткашларнинг фаровонлиги айниқса ошди. Халқ маорифи, фан ва маданият муваффақиятли ривожланмоқда.

Партия XXIII съездининг, КПСС Марказий Комитети март ва май Пленумларининг қарорларини бажара бориб, қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга доир катта чора ва тадбирларни амалга оширди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, ерларни мелиорация қилиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини химиялаштириш ва механизациялаштириш кенг ривожланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг белгилаб қўйилган қатъий планларга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини пландан ташқари сотишни моддий рағбатлантиришга асосланган сиёсатга тўла равишда ўтилди. Қишлоқда муҳим социал иқтисодий тадбирлар амалга оширилди.

Мана шу чораларнинг ҳаммаси партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари олиб бораётган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлар, колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнати, шунингдек шаҳар меҳнаткашларининг қишлоққа бериб турган ёрдами колхозлар, совхозлар экономикасини мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстиришга ёрдам берди. Бу ўсиш суръатлари кейинги уч йил ичида бундан олдинги даврдагига нисбатан анча тезроқ бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партиянинг қишлоқ хўжалигига доир қарорларини бажариш натижаларини якунлаб, экономиканинг мана шу ҳаётий муҳим тармоғини янада юксалтиришнинг кенг программасини ишлаб чиқди ва бунинг конкрет йўлларини белгилаб берди. Мамлакатдаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳозирги даражасидан мумкин қадар қисқа муддат ичида анча ўзиб кетмоқ учун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш жуда муҳим сиёсий, умумпартиявий ва умумдавлат вазифаси эканлигини Пленум алоҳида куч билан уқтириб ўтди.

Партиямиз ва унинг Марказий Комитети XXIII съезд ишлаб чиққан сиёсий йўлни оғишмай амалга ошириб келаётганликларини, коммунистик қурилиш практикаси ва ҳозирги халқаро вазият олдимизга қўяётган ғоят муҳим вазифаларни изчиллик ва донишмандлик билан ҳал қилаётганликларини КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг якунлари яққол кўрсатиб турибди.

Совет халқи КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларини ғоят мамнуният билан кутиб олди, бу қарорлар меҳнаткашлар кенг оммасининг қалбига сингиб, уларни жўшқин ҳаракатга келтирди. Пленум қарорлари коммунистларни, барча совет кишиларини жанговар иш программаси билан қуроллантирмоқда, беш йилликни муддатидан олдин бажариш учун, коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини амалга ошириш учун курашда уларнинг кучига-куч қўшмоқда.

I. ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

Партия XXIII съездидан кейин орадан икки ярим йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин эса орадан тўрт йил чамаси вақт ўтди. Бу унчалик катта муддат эмас. Аммо шу вақт ичида эришилган натижалар ҳар бир совет кишисини қувонтиради.

Партия XXIII съездининг ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун бўлаётган умумхалқ курашига Ўзбекистон меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Республикада саноат маҳсулотининг ҳажми 1966 — 1968 йилларда анча кўпаяди. 70 та саноат корхонаси ва объект ишга туширилади. Электр энергия, қора ва рангли металлургия, химия саноати, машинасозлик ва металл ишлаш саноати, қурилиш материаллари саноати, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш планлари муваффақиятли бажарилмоқда. Шу йиллар ичида капитал қурилиш ҳажми анча кўпайди, транспорт ва алоқа соҳасида бир мунча муваффақиятлар қўлга киритилди. Фан ва техникани ривожлантиришда олға томон катта қадамлар қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш анча кўпайди, унинг сифати яхшиланди. Хўжаликнинг бу тармоғи тинимсиз юксала бормоқда, интенсивлашиш ва кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш асосида ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигини юксалтириш тўғрисида, аввало пахтачиликни янада ривожлантириш ҳақида КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати доимий ғамхўрлик қилаётганликларини, бу ишда бизга жуда катта ёрдам бераётганликларини ғоят мамнуният билан қайд қиламиз.

1965 — 1967 йиллар мобайнида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига давлат томонидан 1 миллиард 248 миллион сўм, яъни бундан олдинги уч йилдагига нисбатан 500 миллион сўм кўп капитал маблағ сарфланди. Бундан ташқари колхозлар бу ишга ўз маблағларидан 730 миллион сўм пул сарфладилар. Колхозлар, совхозлар олаётган қишлоқ хўжалик техникаси, транспорт воситалари, минерал ўғит, дефолиант ва гербицидлар йилдан-йилга тобора кўпаймоқда.

Республика сув хўжалигини ривожлантиришга давлат катта-катта маблағлар ажратмоқда. Кейинги уч йил ичида бу иш учун ажратилган маблағ бундан олдинги уч йилдагига нисбатан 70 процент кўпайди.

Мана шуларнинг ҳаммаси республикада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тез юксалтиришни таъминлади. Республикамизда пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳар йилги ўртача ҳажми 1965 — 1967 йилларда 2,9 миллиард сўмни ташкил қилиб, бундан олдинги уч йилда эришилган даражадан 18 процент, Қорақалпоғистон АССРда 27 процент, Сурхондарё областида 28 процент, Сирдарё областида 21 процент ошиб кетди. Етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотини аҳоли жон бошига тақсимлаб қарасак, бу миқдор ҳам кўпайганлигини кўрамиз.

Республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришда айниқса катта ютуқларга эришилди. Республика партия ташкилоти партиянинг қишлоқ хўжалигига доир қарорларини амалга оширишни ташкил қилишда амал қилиб келган ва амал қилаётган қоида шуки, Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш, Совет давлатини ва қардош социалистик мамлакатларни мана шу жуда қимматли хом ашё билан тобора кўп миқдорда таъминлаб туриш бизнинг энг биринчи интернационал бурчимиз. Ўзбекистон меҳнаткашлари бу бурчни шараф билан бажармоқдалар.

Пахта тайёрлаш давлат планларини йил сайин ошириб бажармоқдамиз. Республикада ҳозирги вақтда ҳар йили етиштирилаётган пахта тўрт миллион тоннадан ошиб кетди. Давлатга 1965 — 1967 йилларда 12 миллион 31 минг тонна ёки бундан олдинги уч йилдагига нисбатан 1 миллион 665 минг тонна кўп пахта сотилди.

Бу йил пахтачилик учун мислсиз оғир бўлди. Баҳор кеч ва совуқ келди, жуда кўп жала, дўл ёғди, сел келди. Мана шуларнинг ҳаммаси пахта далаларига шикаст етказди. Колхозлар ва совхозлар чигитни бир неча марта қайтадан экишга мажбур бўлдилар. Бу эса ғўзанинг ривожланишини анча сусайтириб юборди. Лекин бу машаққатлар пахтакорларнинг иродасини бука олмади.

Фидокорона ва уюшқоқлик билан меҳнат қилиш туфайли, КПСС Марказий Комитети ва Совет давлатининг жуда катта мададига таяниб, табиат инжиқликларининг оқибатларини енгишга муваффақ бўлдик. Қийинчиликлар ҳар қанча кўп бўлишига қарамай пахта тайёрлаш плани бажарилди! Давлатга 3.980 минг тонна пахта топширилди, шу пахтанинг 80 проценти биринчи сортларга топширилди. Пахта териш ва тайёрлаш давом этмоқда.

Қорақалпоғистон, Хоразм, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё ва Самарқанд областларининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари бу йил айниқса катта муваффақиятларга эришдилар. Улар теримни уюшқоқлик билан, қисқа муддатларда ўтказиб, пахта тайёрлаш планларини ошириб бажардилар. Қорақалпоғистон АССР колхозлари ва совхозлари пландан ташқари 60 минг тонна пахта сотиб ва ўзлари етиштирган пахтанинг ялпи ҳосилини биринчи марта 300 минг тоннага етказдилар. Хоразм областининг пахтакорлари давлатга пландан ташқари 62 минг тонна, Қашқадарё областининг пахтакорлари 42 минг тонна, Бухоро областининг пахтакорлари 34.4 минг тонна, Сурхондарё областининг пахтакорлари 32 минг тонна пахта сотдилар.

Фарғона, Тошкент, Андижон Наманган, Сирдарё областларининг пахтакорлари ва Мирзачўлдаги янги совхозларнинг деҳқонлари мисли бўлмаган табиий офат оқибатларини енгиб, қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар.

Ғузор, Кегайли, Қўнғирот, Хўжайли, Янгиариқ, Шуманай, Яккабоғ, Шовот, Беруний, Урганч, Амударё, Бухоро, Чироқчи, Гурлан, Шўрчи, Хива, Свердлов, Қоракўл, Қамаши, Тўрткўл, Шаҳрисабз, Қўшкўпир, Ромитан, Ҳазорасп, Хатирчи, Задарё, Бўз, Чимбой, Денов, Навоий, Когон, Киров, Сариосиё, Вобкент, Пайариқ, Булунғур, Поп, Риштон, Ўзбекистон, Юқори Чирчиқ, Чуст, Конимех, Тахтакўпир, Бўка, Оққўрғон, Каттақўрғон, Олтиариқ, Нарпай, Ғиждувон, Ғаллаорол, Избоскан, Қўрғонтепа районларининг пахтакорлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Улар пахта тайёрлаш планларини шараф билан бажардилар.

Ингичка толали пахта етиштириш усталари бўлган Жарқўрғон, Термиз, Шеробод, Косон, Қарши районларининг меҳнатчилари бу йил яхши ишлашди. Улар мана шу қимматли хом ашёни тайёрлаш планларини муваффақиятли адо этдилар. Умуман республика ингичка толали пахта тайёрлаш планини ортиғи билан бажарди.

Республиканинг барча пахтакорларини эришган ғалабалари билан сизларнинг номингиздан табриклашга, қаҳрамонона меҳнат қилганликлари учун уларга ташаккур айтишга ва улкан пахта хирмони учун курашда уларга янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда пахта етиштиришни кўпайтиришга асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг интенсивлигини ошириш, ҳосилдорликни кўпайтириш асосида эришмоқдамиз. Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги бултур 1964 йилдагига нисбатан 2.6 центнер кўтарилиб, гектар бошига 25,2 центнерга етди.

Бундан олдинги йилларда бўлгани каби бу йил ҳам Хоразм областининг миришкорлари пахтадан энг юқори ҳосил олдилар. Шу дамгача улар гектар бошига 37.7 центнердан ҳосил кўтардилар. Сурхондарё областининг хўжаликлари гектар бошига 30 центнердан пахта топширдилар. Қашқадарё областининг колхозлари ва совхозлари гектар бошига 27 центнердан пахта сотиб, 1967 йилда эришилган ҳосилдорлик даражасидан 4.2 центнер ошириб юбордилар. Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари эса бултурги ҳосилдорлик даражасидан 3 центнер ошириб, гектар бошига 24.5 центнердан ҳосил кўтардилар.

Кўпгина районлар тағин ҳам юксак натижаларга эришдилар. Ҳар бир гектардан Янгиариқ райони 40 центнерга етказиб, Шовот райони 38 центнердан ошириб, Урганч ва Денов районларининг ҳар қайсиси 38 центнер чамаси, Хива ва Шўрчи районлари 36 центнерга етказиб ҳосил олди. Сариосиё, Қўшкўпир, Тўрткўл районлари ва бошқа районлар гектар бошига 35 центнердан зиёд пахта олди.

Ўз ишларида бенихоя катта натижаларга эришган барча колхоз, совхозларнинг меҳнатчиларига, мўл ҳосил етиштираётган ажойиб миришкорларга шон ва шарафлар бўлсин! Улар меҳнат қаҳрамонлигининг, меҳнатга, Ватан олдидаги ўзининг интернационал бурчини бажаришга чинакам коммунистик муносабатда бўлишнинг ажойиб намуналарини кўрсатдилар.

Шонли механизаторларимиз пахта тайёрлаш планини бажаришга салмоқдор ҳисса қўшдилар. Улар «зангори кемалар»нинг бункерларидан 1 миллион 615 минг тоннадан зиёд юқори сифатли «оқ олтин» тўкиб, пахтани машинада териш планини шараф билан бажардилар.

Тўрт қаторли «Ўзбекистон» машинасида пахта териш усталари иш унумини юксак даражага кўтаришга муваффақ бўлдилар. «Советобод» совхозида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратов 528 тонна, Ленин районидаги Ильич номли колхозда Хафиз Полвонов 476 тонна, «Сурхон» совхозида Абдусаттор Қурбонов 408 тонна, «Комсомолобод» совхозида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Отамурод Худойназаров 360 тонна, Шўрчи районидаги Энгельс номли колхозда Олламурод Ёқубов 350 тонна, «Октябрь 50 йиллиги» совхозида Қўчқор Эргашев 341 тонна, «Косон» совхозида Хонкелди Холиқов ва «Янгиобод» совхозида Светлана Продан ҳар қайсиси 330 тоннадан пахтани машинада териб бердилар. Республиканинг донгдор механизатори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова аввалгидек зўр муваффақият билан меҳнат қилмоқда. Механик-ҳайдовчиларнинг кўплари 250 — 300 тоннадан пахта териб бермоқдалар.

Республика қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам юксала бормоқда. Ўтган уч йил мобайнида бундан аввалги уч йилдагига нисбатан шоли етиштириш 1,5 баравар, сабзавот ва қовун-тарвуз етиштириш 32 процент, мева ва узум етиштириш 35 процент, сут етиштириш 545 минг тонна, тухум етиштириш 180 миллион дона, қоракўл терилари етиштириш 305 минг дона, пилла етиштириш 63 минг центнер кўпайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш плани муваффақиятли бажарилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин ўтган уч йил ичида давлатга пландан ташқари бир миллион тоннага яқин пахта, 55 минг тонна каноп, тамаки 11.4 минг тонна, 300 минг тоннага яқин сабзавот, қовун-тарвуз ва мева сотилди. Чорвачилик маҳсулотлари, пилла ва бошқа маҳсулотлар ҳам пландан ташқари кўплаб сотилди.

Бу йил республика ғаллакорлари катта ютуқларга эришдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII Пленуми ишлаб чиққан тадбирларни амалга ошира бориб, дон етиштириш планини анча ортиғи билан бажардилар, давлатга пландаги 286 минг тонна ўрнига 580 минг тонна ғалла сотдилар. Шу билан бирга совхозлар, колхозлар ўзларига керакли уруғлик ва емни тўла-тўкис ғамлаб қўйдилар.

Ғалла тайёрлаш планини ҳамма областлар ва Қорақалпоғистон АССР ошириб бажарди. Самарқанд областининг ғаллакорлари дон тайёрлаш планини 245 процент, Қашқадарё области 243 процент, Тошкент области 200 процент, Сирдарё области 184 процент, Сурхондарё области 175 процент бажарди. Бошқа областларнинг хўжаликлари ҳам пландан ташқари анча кўп дон топширдилар.

Кейинги йилларда республикада шоли етиштириш кескин равишда кўпайди. Бу йил шолидан мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга шоли сотиш юзасидан олинган социалистик мажбурият ошириб бажарилди. 110 минг тонна шоли тайёрланди.

Кўпгина колхоз ва совхозлар суғориладиган деҳқончиликнинг қулай шароитларидан моҳирлик билан фойдаланиб, қовун-тарвуз, картошка, мева ва узум етиштиришни ва буларнинг ҳосилдорлигини йилдан-йилга кўпайтирмоқдалар. Биз ихтисослаштирилган районлар, совхозлар, колхозлар вужудга келтирдик. Улар асосан сабзавотчилик ва полизчилик билан шуғулланмоқда. Бу эса яхши натижалар бермоқда. Бу йил сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка тайёрлаш плани ошириб бажарилди. Пландан ташқари 41 минг тонна маҳсулот топширилди. Узум сотиш плани тўла бажарилди. Сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ва узумчиликнинг рентабеллиги ошди.

Каноп пояси, пилла, қоракўл тери ва жунни давлатга сотиш планлари ошиғи билан адо этилди. Гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш планлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Чорва туёғи ва паррандалар кўпайди, маҳсулдорлиги ошди. Бултур 1964 йилдагига нисбатан қорамол 426 минг бош, шу жумладан: сигир 155 минг бош, қўй билан эчки 639 минг бош, чўчқа 15.4 минг бош, парранда 2 миллион 571 минг бош кўпайди.

Кейинги йилларда чорвачиликни ихтисослаштириш ва паррандачиликни саноат асосида ташкил этиш борасида катта ишлар қилинди. Республикада тайёрланаётган тухумнинг 40 процентга яқинини ҳозир паррандачилик фабрикалари бермоқда. Паррандачилик фабрикалари тухумга кирган ҳар бир товуқдан йилига 170-200 тадан тухум олиб, катта даромад бермоқда.

Гўшт етиштириш учун ихтисослаштирилган совхозларнинг иш натижалари кескин равишда яхшиланди. Бу совхозларда гўштнинг таннархи анча камайди, рентабеллик даражаси ошди. Республикамиздаги қўйларнинг 80 процентдан кўпроғи ҳозирги вақтда ихтисослаштирилган қоракўлчилик совхозларида боқилмоқда. Совхозларни ихтисослаштириш қоракўл етиштиришни, шу жумладан рангли қоракўл етиштиришни кўпайтиришга имкон берди. Ҳар 100 совлиқдан 116-118 бошга етказиб қўзи олинадиган бўлиб қолди. Биринчи сортга топширилаётган қоракўл терилари 88 процентга етди. Чорвачиликни ихтисослаштиришни бундан буён ҳам давом эттиришимиз лозим.

Пиллачиликда қувончли ўзгаришлар рўй берди. Бу йил республика пиллачилари 19.2 минг тонна пилла етиштириб, давлатга топширдилар, пилла тайёрлаш планини 112,3 процент бажардилар. Республикада ҳар бир қути қурт уруғидан ўрта ҳисобда 62.5 килограммдан ёки 1964 йилдагига нисбатан 36 процент кўп пилла олинди. Ҳосилдорликни оширишда Фарғона области пиллачилари энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Улар ҳар бир қути қурт уруғидан 66 килограммга етказиб пилла олдилар. Андижон, Наманган ва Самарқанд областининг пиллачилари юксак ҳосилдорликка эришдилар.

Кейинги йилларда колхозлар экономикаси анча мустаҳкамланди. Колхозларнинг пул даромадлари 1964 йилдаги 1 миллиард 373 миллион сўмдан 1967 йилда 1 миллиард 660 миллион сўмга етди ёки 20 процент кўпайди. Қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиммати 26 процент кўпайди. Колхозчилар меҳнатига тўланаётган ҳақ 32 процент ортди. Совхозлардаги аҳвол ҳам яхшиланди. Умуман республикада совхозлар зарар кўрмасдан ишламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1966 йилги май Пленуми суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришда тарихий босқич бўлди. Пленум ерни мелиорация қилиш соҳасида катта вазифаларни олдимизга қўйди. Суғориладиган деҳқончиликнинг негизи бўлган сув хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳар доим республика партия ташкилотининг диққат марказида турибди, бу иш республикамизда ҳақиқатан умумхалқ иши бўлиб қолди.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

(Боши биринчи бетда).

Ўтган уч йил мобайнида бу соҳада анчагина иш қилинди. 177 минг гектар янги суғориладиган ер тайёрланиб, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланишга топширилди. Жанубий Сурхон ва Каркидон сув омборлари, Пачкамар сув омборининг биринчи навбати тўла қуввати билан ишга туширилди, Каттақўрғон ва Косонсой сув омборларининг ҳажмини кенгайтириш борасида жуда мураккаб ишлар бажарилди.

Мавжуд ирригация каналларини, гидротехника узелларини, насос станцияларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш борасида катта иш қилинди. Сурхон дарёсидаги Занг гидроузели, Зарафшон дарёсида Шофиркон гидроузели, Норин дарёсида Учқўрғон гидроузели, Оҳангарон дарёсида Шамалак гидроузели ва бошқалар ишга туширилди. Электрлаштирилган жуда кўп насос станциялари қурилди. Мана шуларнинг ҳаммаси суғориладиган ерларни сув билан қондиришни кескин равишда яхшилаш имкониятини берди.

Суғориладиган деҳқончиликнинг энг ёвуз душмани — ернинг шўр босиши ва захланишига қарши кураш борасида қилинаётган ишлар ҳажми йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. Бу иш бир неча томонлама олиб борилмоқда: Очиқ ва ёпиқ зовурлар қурилмоқда, тик зовурлар қуриш кенг миқёсда олиб борилмоқда, катта-катта коллекторлар қурилмоқда. Ғарбий Ромитан, Денгизкўл, Шимолий Бухоро, Марказий Мирзачўл магистрал катта зовурлари, Қизилқум катта зовурининг биринчи навбати ва бошқа шулар сингари магистрал зовурлар кейинги икки йил ичида ишга туширилди.

Коллектор-зовурлар қуриш билан бир қаторда каналларда сувнинг сингиб кетиб, исроф бўлишини камайтириш ишлари асосан ўзанларга бетон қоплаш йўли билан тобора кенг ҳажмда олиб борилмоқда. Бетон билан қопланган каналларнинг узунлиги ҳозир 2500 километрга етди. Бу чора бир йўла икки муҳим проблемани ҳал қилиб беради: сизот сувнинг ер бетига тепишига йўл қўймайди ва суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш даражасини оширади. Шуни айтиб ўтиш кифоя қиладики, ўзани бетон билан қопланган каналлар ҳозир ер суғориш учун йилига 1 миллиард 250 миллион кубометр сувни нобуд қилмай сақлаб қолмоқда. Бу сув Сурхон сув омбори билан Чимқўрғон сув омборининг икковидаги сувнинг ҳажмига тенг.

Мана шу муҳим чоралар беш йилликнинг икки йили ичида амалга оширилганлиги натижасида 115 минг гектар майдондаги суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Мирзачўлда, Сурхон — Шеробод водийсида, Марказий Фарғонада ва республиканинг бошқа районларида қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш ишлари кенг равишда авж олдирилмоқда. Қарши даштида каналлар, коллекторлар ва насос станциялари қурилмоқда. Қорақалпоғистон АССРда ва республиканинг бошқа областларида шолипоялар учун замонавий инженерлик системалари қуриш ишлари кенгайтирилмоқда.

Ишлаб чиқариш базаларини, ремонт устахоналарини, сув хўжалиги ташкилотларининг қурилиш материаллари саноати объектларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш сув хўжалигини ривожлантиришда катта роль ўйнади. Мирзачўлдаги қурилиш тажрибаси бу ишнинг аҳамияти нақадар катта эканлигини бизга қайта-қайта очиқ кўрсатиб турибди.

Ерларни мелиорация қилишни ривожлантиришда давлат бизга катта ёрдам бермоқда. Бу йил сув хўжалиги қурилишига сарфланадиган капитал маблағ 307 миллион сўмга етказилади. Шу ҳажмдаги ишлар ошириб бажарилади деб ҳисобламоқ учун ҳамма асослар бор.

Комплекс механизация пахтачиликни ва республика қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтиришни таъминлаган энг муҳим шартдир. Бу иш бизда мунтазам мўл ҳосил олишга имкон берадиган замонавий агротехника усулларини амалга оширишнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолди, колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларнинг меҳнатини анча енгиллаштирди, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берди.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланиши тағин ҳам анча яхшиланди. 1965 — 1967 йиллар мобайнида республика колхозлари ва совхозлари, 15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда, 78 мингдан кўпроқ ёки бундан аввалги уч йилдагига нисбатан 77 процент кўп трактор олдилар. Шу давр ичида республикамиз 15 мингга яқин пахта териш машинаси, 2 мингдан кўпроқ ғалла комбайни, 43 мингдан зиёд культиватор ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик машиналари олди. Қишлоқ хўжалик меҳнатининг энергия билан таъминланиши уч йил мобайнида 27 процент кўпайди.

Пахта йиғим-теримини механизациялашдаги муваффақиятларимиз айниқса сезиларли бўлди. Кейинги йилларда бу ишда тубли бурилиш рўй берди. 1964 йилда ҳосилнинг 22 проценти машинада териб олинган бўлса, бу йил тайёрланган пахтанинг 41 процентини машинада териб олинди. Ҳозир республикамизда кўпгина районлар, колхозлар ва совхозлар ўзлари етиштирган пахтанинг 70 процентини ва ундан кўпроғини машинада териб олмоқдалар.

Республика совхозлари йиғим-теримни машиналаштиришда ўтган йиллардаги каби катта муваффақиятларга эришдилар. Улар етиштирилган пахтанинг 60 процентдан кўпроғини машинада териб олдилар.

Мирзачўлнинг қўриқ ерларида ташкил этилган совхозлар пахтачиликни комплекс механизациялаш университетига айланди. Бу совхозларда ғўзани парвариш қилиш билан боғлиқ ишларнинг ҳаммасини машина бажармоқда, етиштирилган ҳосилнинг қарийб 90 проценти машинада териб олинмоқда. «Самарқанд», «ВЛКСМ XV съезди», «Октябрь 50 йиллиги» ва Икромов номли совхозлар бу йил ҳосилнинг деярли ҳаммасини машинада териб олди.

Бу эса пахтачиликда меҳнат унумдорлигини оширишга, сарфланган капитал маблағлар ўрнини тез ва катта фойда билан қоплашга имкон бермоқда. Мирзачўлни ўзлаштириш учун сарфланган капитал маблағларнинг ўрни қопланиши 1956—1967 йилларда 98 процентга етди. Комплекс механизациянинг самарадорлигини қуйидаги маълумотлардан ҳам билиш мумкин. Республика Қишлоқ хўжалиги министрлигига қарашли совхозларда ўрта ҳисобда бир йилда ҳар бир одамга ҳисоблаганда бултур етиштирилган пахта 7 тоннага, республика колхозларида қарийб 5 тоннага етган бўлса, Мирзачўлнинг янги совхозларида қарийб 10 тоннага етди.

Мана шуларнинг ҳаммаси комплекс механизациялаш қишлоқ хўжалигида бизнинг тўғри йўлимиз, бош йўлимиз эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Республикамизда **қишлоқ хўжалигини химиялаштириш,** биринчи галда пахтачиликни химиялаштириш ишлари изчиллик билан ўтказилиб келмоқда. 1965—1967 йиллар мобайнида республика қишлоқ хўжалиги 8.5 миллион тонна, яъни бундан аввалги уч йилдагига нисбатан 2.2 миллион тонна ёхуд 36 процент кўп минерал ўғит олди. Минерал ўғитларнинг сифати ҳам яхшиланди. Республика қишлоқ хўжалигига етказиб берилаётган дефолиантлар 1964 йилдагига нисбатан 1.5 баравар, шу жумладан бутифос 3.5 баравар кўпайди. Пахтачилик ва шоликорликка керакли гербицидлар кўпроқ олинадиган бўлиб қолди.

Химия деҳқонларимизга яхши хизмат қилмоқда. У мўл ҳосил етиштиришга, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни йил сайин кўпайтиришга ёрдам бермоқда.

Республиканинг ҳамма зоналарида деҳқончилик маданиятини ва тупроқнинг унумдорлигини ошириш борасида кўпгина ишлар қилинди. Суғориладиган ерларни текислаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Алмашлаб экиш, ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишнинг янги, тағин ҳам прогрессив методлари тобора кенг жорий этилмоқда. Қишлоқ хўжалик ишларининг ҳаммаси яхши муддатларда ва тағин ҳам юксак агротехника даражасига риоя қилган ҳолда бажарилмоқда. Экинларни суғоришда сувдан рационал фойдаланилмоқда, суғориш сифати анча яхшиланди.

Республика қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар шак-шубҳасиз. Лекин КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида уқтириб ўтилганидек, қилинган ишларга танқид кўзи билан баҳо бермаслик, ютуқларга маҳлиё бўлиб, камчиликларни кўрмаслик хато бўлур эди. Бизда ҳам фойдаланилмаётган резервлар ва имкониятлар кўп, ҳал этилмаган масалалар кўп. Буларга партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органларининг, барча қишлоқ меҳнатчиларининг диққат-эътиборини жалб қилиш керак.

Мавжуд камчиликларни тезроқ тугатиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш — бизнинг бурчимиз. КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорлари биздан шуни талаб қилади.

II. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИНГ ЖАНГОВАР ПРОГРАММАСИ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида ва КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорида жанговар иш программаси белгилаб берилди, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг асосий йўллари аниқ кўрсатиб берилди. Марказий Комитет Пленумининг қарорларига асосланиб, бугун биз ўзимизнинг конкрет вазифаларимизни кўриб чиқишимиз, бу вазифаларни бажариш йўлларини белгилаб олишимиз лозим.

Пахтачиликни бутун чоралар билан ривожлантириш бизнинг асосий вазифамиз эканлигини айтиб ўтдик. Пахта етиштириш давлат плани келгуси йилда бу йилгига нисбатан 120 минг тонна кўпайтирилади. Бу планни бажарибгина қолмасдан анча ошириб бажариш — бизнинг вазифамиз. Бунинг учун ҳамма имкониятларимиз бор. Бизда ер ҳам, сув ҳам бор. Пахта етиштиришда юксак маҳорат эгаси бўлган одамларимиз бор. Қудратли сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги қурилиш ташкилотларимиз бор. Хуллас, пахтачиликни янада юксалтирмоқ учун бизда зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор. Вазифа шуки, ана шу имкониятлардан тўла фойдаланишимиз керак.

Деҳқончилик маданиятини янада ошириш жуда муҳим ишдир. Бу соҳада биз кўп иш қилишимиз керак. Республикада алмашлаб экиш ҳали ҳам қониқарли равишда жорий қилинаётгани йўқ. Бедапояларни кўпайтириш секин бормоқда. Тупроқнинг унумдорлигини оширишда ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашдагина эмас, шу билан бирга вилтга қарши курашда ҳам катта роль ўйнайдиган бу экин кўпинча ёмон ерларга, алмашлаб экиш далаларидан бошқа майдонларга экилмоқда.

Партия ташкилотлари алмашлаб экишни жорий қилишни, ерларни асосли текислашни жадаллаштириш, агротехника даражасини ошириш, сувдан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектаридан энг кўп миқдорда ҳосил олиш масалаларини ҳар доим ўзлари контроль қилиб туришлари керак. Қишлоқ хўжалик министрлиги пахта ва бошқа экинлар селекциясини, уруғчилигини яхшилашга алоҳида эътибор бериши, бу масалани ўзининг коллегиясида батафсил муҳокама қилиши, илмий-тадқиқот муассасаларининг бу йўлдаги ишларини активлаштириши лозим.

Суғориладиган ер — бизнинг асосий бойлигимиз, шу сабабли бундай ерлардан фойдаланишда жуда қаттиқ тартиб ўрнатишимиз, бу ерлардан авайлаб фойдаланишимиз, баъзи жойларда бўлаётгани каби ерларни талон-торож қилиш фактларига сира йўл қўймаслигимиз, деҳқончилик учун ажратиб қўйилган қимматли ерларни иморатлар қуриб банд қилишга йўл қўймаслигимиз лозим.

Вилт — пахтачиликка жуда катта зиён етказмоқда. Бу касаллик тарқалган пахта майдонлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу йил 600 минг гектардан кўпроқ ердаги ғўза вилтдан зарарланди.

Яқинда Андижонда бўлиб ўтган кенгашда олимлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари вилтга қарши курашмоқ учун сира кечиктириб бўлмайдиган чораларни муҳокама қилишди. Тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу тавсияларни амалга оширмоқ учун ҳозирданоқ — мана шу куз пайтининг ўзидаёқ ҳамма чораларни кўришимиз зарур.

Ҳосилдорликни ошириш билан бир қаторда пахта экиладиган майдонларни бутун чоралар билан кенгайтиришимиз лозим. Экин майдонларини янада кенгайтирмай туриб пахта етиштиришни кўпайтириш вазифасини ҳал қилишимиз жуда қийин.

Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда 13 та янги пахтачилик совхози ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарори кечаги газеталарда эълон қилинди. Лойиҳага кўра, шу совхозларнинг жамики пахта майдони 38-40 минг гектар бўлиши керак. Яна шу қарорнинг ўзида илғор колхозларнинг ўз маблағлари билан янги ерларни ўзлаштиришга қаратилган ажойиб ташаббуси маъқулланди.

Партия, совет, қишлоқ хўжалик органларига, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарларига 1969 йилнинг ўзидаёқ пахта экиладиган майдонни 80 минг гектар кенгайтириш тадбирларини амалга ошириш топширилди. Аммо, бунинг учун бошқа экин экиладиган майдон ва алмашлаб экиш майдонлари қисқартирилмаслиги керак.

Пахта экиладиган майдон Тошкент областида 5 минг гектар, Сирдарё областида 22 минг гектар, шу жумладан Голодностепстрой совхозларида 15 минг гектар, Фарғона, Наманган ва Андижон областларининг ҳар қайсисида 5 минг гектардан, Самарқанд ва Бухоро областларида 10 минг гектар, Қашқадарё областида 3 минг гектар, Сурхондарё областида 5 минг гектар, Хоразм областида 2 минг гектар ва Қорақалпоғистон АССРда 8 минг гектар кўпайтирилиши лозим.

Қишлоқ хўжалик, сув хўжалик ташкилотлари ва қурилиш министрликлари ходимларининг кўп минг кишилик армияси, колхозлар, совхозлар, касаба союзлари бу муҳим ишда актив қатнашишлари лозим. Комсомол-ёшларни бу ишга отлантириш керак. Янги ташкил этилаётган совхозларда қурилиш ишларини тезроқ бажариш, уларни техника билан, бошқа моддий-техника воситалари, кадрлар билан таъминлаш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўришимиз, бу совхозларнинг энг қисқа муддат ичида маҳсулот бера бошлашига эришмоғимиз керак.

Мирзачўл пахта етиштиришни кўпайтиришнинг ҳали ҳам катта резерви бўлиб қолмоқда. Бу зонада янги пахтачилик районини вужудга келтириш республикадаги ҳамма областларнинг шарафли ишига айланиши лозим. Мирзачўлнинг қўриқ ерларидаги янги совхозлар ҳар тарафлама ёрдам ва мададга муҳтож. Биринчи галда биз бу совхозларга мутахассис кадрлар, ишлаб чиқариш командирлари ва ишчи кучи юбориб кўмаклашмоғимиз лозим.

Саноат корхоналари, илмий тадқиқот ташкилотлари ва олий ўқув юртлари янги совхозларни оталиққа олиб, ишлаб чиқаришни ташкил этишда, машиналарни ремонт қилишда, агротехникани яхшилашда, чўлқуварлар орасида маданий-оммавий ишларни ўтказишда уларга қўлларидан келадиган ёрдамни берадилар, деб умид қиламиз. Республиканинг бошқа областларидаги янги совхозларни ҳам оталиққа олиб, уларга мана шундай ёрдам бериб туриш керак.

Мирзачўлни ривожлантириш истиқболларини белгилаб бермоқ учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси Матчонов, Габриельянц, Махмудов, Тасанбоев, Куликов, Саркисов, Худойбердиев, Зокиров ва Ханазаров ўртоқларга КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларига асосланиб, шу масалага доир тегишли таклифларни ишлаб чиқиб, тақдим этишни топширди.

Дон етиштиришни кўпайтириш — мамлакат қишлоқ хўжалигида бундан буён ҳам марказий масала бўлиб қолаверади деб КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида яна бир марта уқтириб ўтилди. Бу вазифани ҳал қилишга Ўзбекистон қўлидан келган ҳиссани қўшмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети дон етиштиришни кўпайтириш масалаларига бундан буён ҳам катта эътибор бериб туради. Бундай қилишимиз республиканинг донга бўлган эҳтиёжини қондириш ва хўжаликларни ем-хашак билан таъминлашимиз учунгина зарур бўлиб қолмасдан, шу билан бирга алмашлаб экишни жадал жорий қилишимиз, пахта ҳосилдорлигини оширишимиз учун ҳам зарур.

Дон хўжалигини ривожлантириш масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII ва XIII пленумларида кўриб чиқилган. Қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш бизнинг вазифамиздир.

Шоликорликни ривожлантиришга бундан буён ҳам алоҳида диққат-эътибор беришимиз керак. Ихтисослаштирилган шоликорлик совхозларининг ижобий тажрибасига таяниб Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати Қорақалпоғистон АССРда, Сирдарё ва Тошкент областларида саккизта янги шоликорлик совхози ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Илгари тузилган совхозларда шоли етиштиришни янада кўпайтириш тадбирлари ҳам белгилаб берилди. Мана шуларнинг ҳаммаси шоли ялпи ҳосилини 1969 йилдаёқ 220 минг тоннага етказишимизга имкон беради.

Сабзавот, қовун-тарвуз, картошка, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш учун катта имкониятларимиз бор. Бу имкониятлардан ҳали ҳам етарли равишда фойдаланаётганимиз йўқ. Кўпгина хўжаликларда буларнинг ҳосилдорлиги кам, таннархи қимматга тушмоқда. Аҳолининг шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тағин ҳам тўлиқ қондирмоқ учун хўжаликларни, бўлимларни ва бригадаларни шу маҳсулотни етиштиришга ихтисослаштиришни давом эттиришимиз, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш учун шарт-шароит яратиб беришимиз, бундай маҳсулотларни тайёрлаш ва реализация қилиш системасини такомиллаштиришимиз зарур.

Чорвачиликка эътиборни сира сусайтирмаслик керак. Маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари бу тармоққа кўпроқ эътибор беришлари, чорва маҳсулдорлигини оширишни, ем-хашак базасини мустаҳкамлашни, наслчилик ишларини яхшилашни таъминлашлари, чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, фермаларда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни механизациялашни кенг жорий қилишлари, хўжаликларга тажрибали кадрлар билан ёрдамлашишлари лозим. Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг сермаҳсул ва рентабель тармоғи бўлиб қолиши зарур.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланиш даражаси анча ошди. Лекин техникадан фойдаланишда жиддий камчиликлар бор. Бир қанча хўжаликларда трактор агрегатларининг иш унуми камайиб кетмоқда, техникани асраш, уни ҳамиша ишга шай ҳолатда сақлаш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаётир. Кўп машиналар тузатилмай ташлаб қўйилганлиги сабабли дала ишларида фойдаланилмаётир. Умри тугамаган техникани ҳам ҳисобдан ўчириб юборишга йўл қўйилмоқда.

Бу камчиликларга кўп жиҳатдан сабаб бўлаётган нарса шуки, Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси бу соҳада тузук ишламаётирлар, техникадан тўғри фойдаланишни ташкил этишда колхозлар, совхозларга кам ёрдамлашмоқдалар, шунингдек хўжаликларнинг раҳбарлари ишнинг мана шу жуда муҳим томонига етарли эътибор бермаётирлар. Колхозлар ва совхозлар юқори малакали мутахассис механизаторлар билан ҳали ҳам тузук таъминланган эмас.

Қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари, колхозлар ва совхозлар, партия ташкилотлари техникадан фойдаланиш, мутахассис механизаторларни танлаш, тайёрлаш ишини кескин равишда яхшилашлари зарур.

Республикада тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари тинимсиз кўпайиб бормоқда. Республика хўжаликлари янги, тағин ҳам мукаммал машина ва механизмлар олиб турибдилар. Тўкилган пахтани териб берадиган машина ва тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта териш машинасини ишлаб чиқаришга киришилганлиги натижасида пахтачилик учун энг муҳим машиналар комплексини яратиш поёнига етказилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик машинасозлигини янада ривожлантириш масалаларини бир неча марта кўриб чиқди, қишлоқ хўжалиги учун машиналар чиқаришни кўпайтиришга доир бир қанча чора-тадбирлар кўрди. Мана шуларнинг ҳаммаси пахта сеялкалари, культиваторлар, кўрак териб берадиган машиналар ва бошқа машиналарни барча пахтакор республикаларнинг эҳтиёжини таъминлайдиган миқдорда ишлаб чиқариш учун зарур қувватлар вужудга келтиришга имкон берди. Пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш ҳам анча кўпайтирилди. Лекин хўжаликларнинг пахта териш машиналарига ва прицепларга бўлган эҳтиёжи ҳали ҳам тўла равишда қондирилаётгани йўқ.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорини бажарабориб, яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети пахта териш машиналари ва прицеплар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш тўғрисида махсус қарор қабул қилдилар. Шу қарорга биноан пахта териш машиналари ишлаб чиқариш (икки қаторли машиналарга айлантириб ҳисоблаганда) 1969 йилда 1968 йилдагига нисбатан 3 мингта кўпайтирилиши керак. Бунинг учун «Ташсельмаш» заводининг иккита филиали вужудга келтирилади ва бошқа ташкилий-техникавий тадбирлар мўлжаллаб қўйилди. «Ташавтомаш» заводида прицеплар ишлаб чиқариш 1969 йилда 38 мингтага етказилади. Андижон областининг Ленинск шаҳрида шу заводнинг филиали ташкил қилинади. Кўрак териб берадиган машиналар, тўкилган пахтани териб берадиган машиналар ва бошқа машиналарни ишлаб чиқариш ҳам кўпайтирилади.

Тошкентда 50 от кучи қувватига эга бўлган пахтачиликка мўлжалланган тракторларни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Республиканинг таклифига биноан СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги «Ташавтомаш» заводида мана шундай трактор ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундай қилиб республика ўзининг трактор заводига эга бўлади, тез орада бу завод йилига 30 мингтага етказиб трактор чиқарадиган бўлиб қолади.

Қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантиришнинг мўлжалланган программасини бажаришни таъминлаш шаҳар ва район партия ташкилотларининг бурчи ва шарафли ишидир. Бу билан улар КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Республика заводлари ва конструкторлик ташкилотлари ирригация ва мелиорация ишлари учун янги машиналар яратишда муайян ютуқларни қўлга киритдилар. Бир чўмичли универсал экскаваторни, арик қазийдиган, ариқларни кўмиб берадиган, ер текислайдиган машиналарнинг янги моделларини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ер текислайдиган экскаватор синовдан ўтказилиб бўлди.

Бироқ, сув хўжалигига керакли янги машиналарни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва тавсия қилиш кўпинча анча орқага сурилиб кетмоқда. Ирригация шохобчаларини тозалайдиган яхши машиналар шу вақтгача яратиб берилгани йўқ, зовур қазийдиган яхши машиналар ҳам йўқ. Биз бу масалаларни тезроқ ҳал қилишимиз керак.

Қишлоқ хўжалигини янада интенсивлаштириш манфаатлари **химия саноатини бутун чоралар билан** ривожлантиришни талаб қилади. Бунинг учун бизда бутун шарт-шароит бор.

Ўзбекистон химия саноати бу йил 3,4 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқаради. Республиканинг азотли ўғитларга бўлган эҳтиёжи тўла равишда қондирилади. Бироқ фосфорли ўғитлар етарли миқдорда ишлаб чиқарилаётгани йўқ.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларига мувофиқ биз химия саноатини ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирларини ишлаб чиқдик. Яқинда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети таркибида фосфор билан азот анча кўп бўлган ўғит — аммофос ишлаб чиқарадиган Олмалиқдаги катта химия заводини 1969 йилда қуриб битказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу завод ишга туширилганидан кейин республиканинг фосфорли ўғитларга бўлган эҳтиёжи ҳам тўла равишда таъминланади. 1970 йилда бу заводнинг иккинчи навбатини қуриш мўлжаллаб қўйилди.

Республиканинг бошқа корхоналарида ҳам химиявий воситаларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш кўзда тутилмоқда. 1970 йилнинг охирига бориб республика олти миллион тоннага яқин минерал ўғит ишлаб чиқарадиган бўлиб қолади. Бу вазифани бажариш кимёгарларнинг ҳам, бинокорларнинг ҳам зўр куч-ғайрат билан ишлашини талаб қилади.

Минерал ўғитлар етказиб беришни кўпайтириш билан бир қаторда бу ўғитлардан тағин ҳам самарали фойдаланишга эришмоғимиз лозим. Химиялаштиришни илмий асосда қуришга кўпроқ эътибор беришимиз, қишлоқ хўжалик фани ва агрохимия лабораторияларининг бу ишдаги ролини оширишимиз лозим.

Сув хўжалик қурилиши ва мелиорацияни янада ривожлантириш пахтачиликни ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларини юксалтириш учун жуда катта аҳамиятга эга. Бу ишларни амалга оширишда КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати бизга ҳар доим ғамхўрлик қилиб, ёрдам бериб турибдилар.

Лекин биздаги суғориладиган ерларнинг ҳали ҳам ҳаммаси сув билан тўла таъминланаётгани йўқ. Республикада бир миллион гектардан кўпроқ шўрхок ер бор. Катта текислаш ишлари ўтказиладиган ерларимиз ҳам кўп. Ерларни суғорувчи ва захини кетказувчи системалардан фойдаланишни жиддий равишда яхшилашимиз ва такомиллаштиришимиз керак.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтирмоқ учун янги ерларни суғориш ва ўзлаштиришни давом эттиришимиз, суғориладиган мавжуд ерлардан фойдаланишни яхшилашимиз, бу ерлардан олинаётган ҳосилни кўпайтиришимиз, бундай ерларнинг қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолишига йўл қўймаслигимиз зарур. Сув хўжалиги қурилишини камайтирмасдан, балки тобора кенг ҳажмда ва тобора тез суръатлар билан ривожлантираверишимиз, ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилашни тезлаштиришимиз лозим.

Суғорилиб келинаётган ерларни сув билан таъминлашни яхшиламоқ ва суғориладиган экин майдонларини кенгайтирмоқ учун сув омборлари қуриш йўли билан дарёлар сувининг оқимини тартибга солиш ишларини кескин равишда кучайтириш зарур. Яқин йиллар ичида Андижон, Чорвоқ, Ғовосой, Чодак, Шўркўл, Ғиссарак сув омборларини ва бошқа сув омборларини қуриш керак.

Амударё этакларида ерларни суғориш учун айниқса эрта баҳорда сув танқис бўлиб қолади. Биз Тахиатош гидроузелини қуришни тезлаштиришимиз ва келгуси йилдаёқ Туямўйин сув омборини қуришга киришмоғимиз керак.

Серсув дарёларнинг сувини камсув дарёларга каналлар орқали ўтказиш учун мўлжаллаб қўйилган ишларнинг амалга оширилиши суғориладиган ерларни сувга қондиришда катта аҳамиятга эга бўлади. Бунинг учун биз Катта Андижон, Катта Наманган каналларини, Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбатини, Қоратоғ — Тўпаланг каналини ва бошқа бир қанча каналлар, гидроузелларини қуришимиз лозим.

Янги сув омборлари, гидроузеллар ва каналлар қуриш билан бир қаторда мавжуд суғориш системаларини техникавий жиҳатдан реконструкция қилишни жадаллаштиришимиз, шу системалардан фойдаланиш даражасини оширишимиз, каналларга бетон ётқизиш, темир бетон новлар қуриш ишларини бутун чоралар билан кенгайтиришимиз, сув чиқариб берадиган қувурлар қуриб, замонавий суғориш воситаларини кенг равишда қўлланишимиз керак. Ер ости сизот сувларидан экинларни суғориш, ичиш ва хўжалик мақсадлари учун фойдаланиш, яйловларни сув билан таъминлаш ишларини ҳам кенг йўлга қўйишимиз керак.

Ернинг шўр босишига қарши кураш тадбирларининг катта комплексини ўтказишга жуда муҳим аҳамият берилиши керак. Магистрал коллекторлар, очиқ ва ёпиқ зовурлар қуришни тезлаштириш, тик зовурлар шохобчасини кенгайтириш, сувдан хўжасизларча фойдаланишга қарши кескин кураш олиб бориш лозим.

Мирзачўлнинг эскидан суғориб келинаётган зонасида, Марказий Фарғонада, Бухоро областида, Амударё этакларида, хуллас, республиканинг бошқа ҳамма районларида катта ҳажмдаги мелиорация ишларини ўтказиш керак. Янги ерларни тайёрлашнинг республикада тузиб қўйилган планлари 1975 йилга қадар камида 700 минг гектар қўриқ ерга сув чиқаришни кўзда тутади. Шундан 144 минг гектари Мирзачўл ва Жиззах даштида, 116 минг гектари Қарши даштида, 66 минг гектари Сурхон — Шеробод даштида, 100 минг гектардан кўпроғи Фарғона водийсида, 80 минг гектари Зарафшон воҳасида, 110 минг гектари Амударё этакларида деҳқончилик учун тайёрлаб қўйилиши керак. Республиканинг бошқа зоналарида ҳам янги ерларни суғориш ривожлантирилади.

Шундай қилиб, келгусида ерларни мелиорациялаш юзасидан жуда катта ишлар қилиниши лозим. Бу ишларни уддалаш учун бизнинг шароитимиз ва имкониятларимиз борми? Ҳа, бор. Бу вазифалар қийин бўлса ҳам, лекин бемалол бажарса бўладиган вазифалардир.

Бу вазифалар, аввало шунинг учун реал вазифалардирки, бизнинг ихтиёримизда жуда катта моддий-техника базаси, турли-туман ва серунум қурилиш техникаси бор. Бу вазифалар шунинг учун ҳам реал вазифалардирки, бизнинг республикамизда сув хўжалиги соҳасидаги юқори малакали мутахассисларнинг катта армияси, бақувват сув хўжалик қурилиши ташкилотлари — «Узглавводстрой» «Главсредазирсовхозстрой», Сув хўжалиги министрлигининг қурилиш ташкилотлари бор. Бу ташкилотлар ҳар қандай вазифани бажаришга қодирдирлар. Республикамизда йирик лойиҳалаш институтлари — «Узгипроводхоз», «Средазгипроводхлопок», «Узгипрозем» ва бошқа ташкилотлар бор. Улар қурилиш учун керакли лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бера оладилар. Бу вазифалар шунинг учун ҳам реал вазифалардирки, давлат сув хўжалиги қурилишига ва ерларни мелиорациялашга йил сайин кўпроқ пул ва моддий-техника воситалари бериб турибди.

Республика партия ташкилоти ана шу имкониятлардан фойдаланиб, мелиорацияни ривожлантиришдаги янги йўлни сабот билан ўтказиб келмоқда — илғор техникадан фойдаланиб ва қурилиш ишларини кенг кўламда индустрлаштириб, сув хўжалиги иншоотларини битта қурилиш ташкилотининг кучи билан комплекс қуришга ўтиш йўлини амалга оширмоқда. Ана шу янги йўл, ана шу янги ташкилий-техникавий ташаббус Мирзачўлдаги, Қарши даштидаги, Амударё этакларидаги қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш ишларида ўзининг тўғри эканлигини батамом оқлади.

Биз давлат ажратиб бераётган маблағлардан тўлиқ ва рационал фойдаланишга ҳаракат қилиш билан бирга, ўз маблағлари ҳисобига мелиорация ишлари олиб бораётган колхоз ва совхозларнинг ташаббусини кенг кўламда ривожлантиришимиз лозим. Бу соҳадаги ишларимизнинг ҳаммасини ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида республика колхозлари 188 миллион сўм капитал маблағ сарфлаган бўлса шундан атиги 18 миллион сўмга яқини сув хўжалиги қурилишига ишлатилган. Бу катта ишда: лойиҳаларни ишлаб чиқишда, қурилиш материаллари, техника билан таъминлашда колхоз ва совхозларга ҳар томонлама ёрдам беришимиз зарур.

Республикадаги сув хўжалиги қурилишининг миқёслари йил сайин кенгайиб бормоқда. Ишларнинг тўхтовсиз кўпайиб бораётган ҳажмини муваффақиятли бажармоқ учун сув хўжалиги иншоотларини қурувчи ташкилотларнинг ишлаб чиқариш базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириш керак.

Ерларни мелиорациялаш соҳасидаги ишда республиканинг кўпгина министрликлари ва идоралари қатнашиши лозим. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам сув хўжалиги қурилишининг белгиланган планларини бажараётгани йўқ. Шу йилнинг 10 ойи ичида Қишлоқ қурилиши министрлиги «Узглавводстрой» ва Сув хўжалиги министрлигининг заказини атиги 26 процент, Қурилиш министрлиги эса 38,7 процент бажарди.

Бундай аҳволга муросасозлик билан қараб бўлмади. Л. И. Брежнев мелиораторларнинг заказларини бажариш ҳар бир коллективнинг шон-шараф иши бўлиб қолиши керак, деб жуда ҳақ гапни айтди.

Янги ерларда сув хўжалиги иншоотлари қуришда, ерларни мелиорациялашда ва совхозлар тузишда кўпгина камчиликларга ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Биз ана шу камчиликларни тезроқ бартараф қилишимиз керак.

Қурувчи кадрлар тайёрлаш соҳасида катта иш қилиниши лозим. Бундан буён қурувчилар ва механизаторларни четдан чақириб ишлатишга кўз тутиш ярамайди. Ўқув юртлари, мактаблар, курсларни сув хўжалиги ишлари олиб борилаётган зоналарнинг ўзида ташкил қилиш йўли билан республикада кадрлар тайёрлашга қунт билан киришиш зарур.

Республика партия ташкилоти суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш учун кўп иш қилди. Лекин ҳозирги вақтда мелиорация қурилишини ва суғориш системаларини ишлатишни янги, тағин ҳам юксак даражага кўтармоқ учун бу соҳадаги ишимизни янада кучайтиришимиз керак.

Пахта етиштиришни тўхтовсиз кўпайтирмоқ учун пахта тозалаш саноатини жадал ривожлантириш ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Лекин шундай бўлса ҳам бу саноат қувватларининг кўпайиши беш йиллик топшириқларидан орқада қолмоқда. Планда кўрсатилган йигирмата пахта заводидан атиги 12 таси ишга туширилди. Мавжуд заводларни реконструкция қилиш, қуритиш-тозалаш цехлари, пахта сақланадиган омборлар қуриш ишлари сусткашлик билан олиб борилмоқда.

Пахта тозалаш саноати министрлиги ана шу ишларни жадаллаштирмоқ учун зарур бўлган чораларнинг ҳаммасини кўриб, ўз қарамоғидаги корхоналарнинг фаолиятини тубдан яхшилашга эришмоғи керак. Янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга сабот билан жорий этиш, ҳамма заводларни уч секцияли тола ажраткич билан тезроқ таъминлаш, анча мукаммал қуритиш-тозалаш агрегатлари яратиш, ҳамма пахта заводларининг бенуқсон ишлашига эришиш зарур.

Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — сабзавот, ҳўл мева, гўшт, сут ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва сақлайдиган ишлаб чиқариш қувватларини ҳам кўпайтириш, ана шу корхоналарни республика зоналарида тўғри жойлаштириш, уларнинг қурилишини жадаллаштириш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қишлоқдаги қурилишнинг жуда катта аҳамиятини яна бир карра таъкидлаб ўтди. Республикада қишлоқ қурилишини янада ривожлантириш соҳасида, қишлоқларни қайта қуриш суръатларини жадаллаштириш, қишлоқ меҳнатчиларининг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга бу муҳим ишда ҳали ҳам катта камчиликлар бор. Шу йили қишлоқ қурилишига капитал маблағ сарфлашнинг ўн ойлик плани атиги 93 процент бажарилди. Қайта ишловчи саноат, пиллачилик корхоналари, паррандачилик фабрикалари, ремонт корхоналари, фан иншоотлари қурилишида, шунингдек қишлоқлардаги уй-жой ва маданий-маиший бинолар қурилишида айниқса кўп орқада қолинди.

Республика Қурилиш министрлигининг жамики қурилиш-монтаж ишларидан бор-йўғи 8 проценти қишлоқлардаги объектларга тўғри келади. Ҳолбуки, умуман министрлик бўйича 10 ойлик план 91 процент бажарилгани ҳолда, қишлоқ хўжалик тармоқларидаги қурилишлар бўйича атиги 76 процент адо этилди. Ҳатто қишлоқда қурилиш олиб бориш учун тузилган республика Қишлоқ қурилиши министрлиги ҳам бошқа соҳалардаги қурилишга қараганда қишлоқлардаги объектларда анча паст кўрсаткичларга эга.

Қишлоқлардаги аҳоли яшайдиган пунктларни қуриш ва уларни ободонлаштириш ишида катта камчиликлар содир бўлмоқда. Ана шу пунктлардан айримларининг архитектураси ва жойлаштирилиши ҳозирги замон талабларига мос келмайди.

Буларнинг ҳаммаси лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларининг, айрим партия ва совет органларининг қишлоқ қурилишига етарли эътибор бермаётганликларини кўрсатиб турибди.

Яқинда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қишлоқдаги қурилишни тартибга солиш тўғрисидаги масалани махсус қараб чиқдилар. Бу соҳада белгиланган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш — область ва район партия комитетларининг, область ва район ижроия комитетларининг, Қишлоқ хўжалик министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлигининг, «Главсредазирсовхозстрой»нинг, «Узколхозстрой»нинг, республикадаги бошқа министрликлар ва идораларнинг жанговар вазифасидир.

(Охири 3-бетда).

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

(Охири. Боши 1 ва 2-бетларда).

Аҳоли яшайдиган пунктларни яхши уй-жой ва маданий-маиший шароитлари, тегишли ишлаб чиқариш иншоотлари бўлган обод посёлкаларга қадам-бақадам айлантириб бориш — муҳим давлат ишидир. Бу иш ҳамиша ҳар бир партия, совет ва хўжалик раҳбарининг диққат марказида туриши лозим.

Қишлоқлардаги аҳоли яшайдиган пунктларни ободонлаштириш, қишлоқдаги турмуш маданиятини ошириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги сермеҳнат иш жараёнларини механизациялаш кўп жиҳатдан қишлоқларни электрлаштиришни ривожлантиришга боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати қишлоқ хўжалигини электрлаштиришнинг яқин йилларга мўлжалланган конкрет программасини белгиладилар. Бизнинг вазифамиз ана шу программани амалга оширишдан иборат.

Республика партия ташкилоти колхоз ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқда. Боя айтиб ўтилганидек, бу соҳада ҳам каттагина муваффақиятларга эришдик.

Лекин иқтисодий иш соҳасидаги катта-катта камчиликлар ана шу муваффақиятларнинг соясида қолиб кетмаслиги керак. Кўпгина колхозларда даромад тўғри тақсимланмаётир, бўлинмас фондга кам маблағ ажратилмоқда, маъмурий-бошқарув аппаратига анча кўп маблағ сарфланмоқда, баъзи ходимларга ҳаддан ташқари ортиқча ҳақ тўланишига йўл қўйилмоқда. Бригадалардаги, фермалардаги ва бошқа ишлаб чиқариш бўлимларидаги иқтисодий ишни кучайтириш зарурати айниқса сезилиб турибди.

Бир қанча совхозларнинг молия-хўжалик фаолиятида ҳам катта камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Ана шу камчиликларни тезроқ йўқотиш, ҳамма хўжаликларни юксак даражада рентабелли хўжаликларга айлантириш учун зарур чоралар кўриш лозим. Совхозлардаги хўжалик ҳисобини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, уларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш чораларини кўришга алоҳида эътибор бериш керак.

Республикамиз колхозларида қишлоқ хўжалик Уставини бузиш, ерларни талон-торож қилиш, маблағларни ўғирлаш ва шу каби ножўя фактлар ҳали ҳам содир бўлмоқда. Қишлоқ хўжалик министрлиги бу ишда тартиб ўрнатиши, колхозлардаги контролни ва ревизия ишини кучайтириши лозим. Республика халқ контроли ходимлари ҳам ана шу фактларга ҳамда колхоз ва совхозларнинг молия-хўжалик фаолиятидаги бошқа нуқсонларга қарши кураш олиб бориши. КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини рўёбга чиқаришда актив қатнашиши керак.

Меҳнатнинг тўғри ташкил этилиши ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир. Бу фақат хўжалик масаласи бўлиб қолмай, шу билан бирга социал ва сиёсий масала ҳамдир. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхоз ва совхозлардаги меҳнатни уюштириш ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш устида ҳормай-толмай иш олиб боришлари лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг қатъий планларини белгилаб қўйиш ва пландан ташқари дон сотишни моддий рағбатлантириш принципи ўзини батамом оқлаганлигини КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми таъкидлаб ўтди. Пленум келгуси беш йилликда ҳам шу тартибни сақлаб қолишни ва уни бошқа баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ҳам жорий қилишни зарур деб топди. Совхозлар пландан ташқари сотган маҳсулот учун асосий нархга қўшимча равишда олган маблағининг бир қисмидан совхоз ишчиларини, хўжаликларнинг мутахассислари ва раҳбарларини мукофотлаш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Пленум қишлоқ хўжалик маҳсулотининг айрим турларини харид қилиш нархларига тузатишлар киритиш аввало, сабзавот, пахта ва парранда гўшти нархини тартибга солиш зарурлигини, моддий-техника воситалари сотиб олишга қилинадиган харажатлар соҳасида колхоз ва совхозларни бараварлаштириш, шунингдек колхозлардан даромад солиғи ундириб олиш системасини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Бу чора-тадбирлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширмоқ учун тағин ҳам қулайроқ шарт-шароит яратиб беради.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш суръатларини жадаллаштиришда қишлоқ хўжалик фани муҳим роль ўйнайди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини янада яхшилаш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Бу қарорда олимлар, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари қиладиган ишларнинг конкрет программаси белгилаб берилган. Тошкентда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифимиз қабул қилинди.

Ана шуларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқотлар савиясини ошириш учун тағин ҳам қулайроқ шароит очиб беради. Республика олимлари янги кашфиётлар қилиб, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг катта-катта проблемаларини тўғри ҳал қилиб бериб, бизни қувонтиришларига ишонамиз. Олимларимиз ғўзанинг серҳосил, тезпишар ва вилтга бардошли навларини, шоли ва бошқа экинларнинг сермаҳсул навларини етиштириб беришлари, меҳнатни илмий ташкил этишни жорий қилишда, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда колхоз ва совхозларга ёрдам беришлари керак.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорлари бизни қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг мукаммал программаси билан қуроллантирди. Зотан биз ҳам ана шу программани амалга оширишга киришдик. Пахтазорларни кенгайтириш, янги пахтачилик ва шоликорлик совхозлари тузиш юзасидан, ерларни ўзлаштириш, пахта териш машиналари ва бошқа машиналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, Олмалиқ химия заводи қурилишини тезлаштириш юзасидан кўрган тадбирларимизнинг ўзи Пленум қарорларининг амалий равишда бажарилаётганлигидан далолат беради. Бу чора-тадбирлар пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Биз қишлоқ хўжалик йилини якунлаш арафасида турибмиз. Бу — жуда масъулиятли давр. Биз пахта ва бошқа экинларнинг ҳамма ҳосилини тезроқ йиғиштириб олишимиз ва айни пайтда келгуси йил ҳосилига пухта замин яратиш ишини кенг кўламда авж олдириб юборишимиз лозим.

Бу йил республикамизда кузги дон экинларини экиш бирмунча яхшироқ бормоқда. Бироқ республиканинг кўпгина хўжаликлари, айниқса Тошкент, Сирдарё, Андижон ва Бухоро областларидаги бир қанча хўжаликлар ўтган йилги даражадан анча орқада қолмоқдалар ва дон экишнинг қулай фурсатини ўтказиб юбормоқдалар. Кузги шудгор сусткашлик билан олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда далаларни тозалаш, ғўзапояни йиғиштириб олиш ва ер ҳайдашнинг конвейер усулини ҳамма жойда авж олдириш лозим. Вилтга чалинган далаларда ғўзапояни илдизи билан суғуриб, даладан олиб чиқиб кетиш керак. Шу далалардаги ғўзапояни йиғиштириб олмай туриб, ер ҳайдашни қатъиян тақиқлаб қўйиш лозим. Ҳозир бутун куч ва воситаларни ерларни тайёрлаб қўйишга, аввало, чигит экиладиган майдонларни кенгайтиришга қаратиш зарур. Ариқ ва зовурларни ўз вақтида тозалаб қўйиш, сув иншоотларини ремонт қилиш ва янгиларини қуриш, ерларга яхоб бериш ва шўр ювиш, келгуси йил ҳосили учун зарур кузги-қишки тадбирларнинг бутун комплексини барвақт бажаришни таъминлаш керак.

Чорвачилик соҳасида бир талай жуда муҳим вазифалар турибди. Бу йил республиканинг кўпгина хўжаликлари чорва туёғини камайтириб юбордилар, чорвани кўпайтириш планини бажармаётирлар, молларнинг нобуд бўлишига йўл қўймоқдалар. Қишловга тайёргарлик кўнгилдагидек эмас. Чорвачиликдаги ишларнинг аҳволини яхшилаш учун шошилинч чоралар кўришимиз, гўшт ва сут тайёрлаш планининг бажарилишини таъминлашимиз керак.

Қишлоқ хўжалик йили тугагач, ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир бўлим, ҳар бир бригада ва ферманинг ишига тезроқ якун ясаш, шу якунларни йиғилишларда муҳокама қилиш лозим. Колхозлардаги ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишларини ҳамда совхозлардаги ишлаб чиқариш кенгашларини тайёрлашга ҳозирнинг ўзидаёқ киришиб, шу йиғилиш ва кенгашларни ўз вақтида ва уюшқоқлик билан ўтказиш зарур.

Барча партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, республикадаги барча меҳнаткашларнинг шу кунлардаги куч-ғайрати халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларидаги планларнинг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши учун курашга қаратилмоғи лозим.

III. ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА СИЁСИЙ ИШ САВИЯСИНИ БАЛАНД КЎТАРАЙЛИК

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қўйган катта ва мураккаб вазифаларни бажармоқ учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, область, шаҳар ва район партия комитетларининг, барча партия ташкилотларининг диққат-эътиборини омма орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишни кучайтиришга қаратиш лозим.

Партия ташкилотлари колхозчиларга, совхоз ишчиларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, саноат ходимларига, республиканинг барча меҳнаткашларига октябрь Пленуми қарорларини, бу қарорлар совет кишиларига мамлакат экономикасини юксалтиришнинг ва халқ фаровонлигини оширишнинг янги ажойиб истиқболларини очиб беришини тушунтириш соҳасидаги ишларни кенг кўламда олиб боришлари керак. Пленум материалларини тушунтиришда оғзаки ва босма пропаганданинг ҳамма воситаларидан, барча лекторлар, пропагандистлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчиларнинг, матбуот, радио, телевидение, маданият муассасалари ходимларининг, идеология соҳасидаги барча кадрларнинг, барча партия активларининг куч-ғайратидан фойдаланиш лозим. Партиянинг қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга доир чора ва тадбирларини ҳар бир меҳнаткаш тўғри тушуниб, англаб ва ўзига сингдириб олиши ана шу умумхалқ ишидаги ўз ўрнини белгилаши жуда муҳимдир.

Янги вазифалар қўйилаётган ҳозирги вақтда ҳар бир район, колхоз ва совхоздаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг аҳволини чуқур ва малакали анализ қилиш зарур. Область, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида, коммунистларнинг йиғилишларида деҳқончилик ва чорвачилик самарадорлигини янада оширишга қаратилган амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш масалалари бошланғич партия ташкилотларида ҳозир ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг диққат марказида туриши керак.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлиги савиясини ҳар томонлама оширишни талаб қилди. Партия комитетлари қишлоқ хўжалик органлари бажарадиган вазифалар билан шуғулланиб юрмасликлари, уларга васийлик қилмасликлари, балки уларга талабчанликни кучайтиришлари, кадрларни ўзларига топширилган иш соҳаси учун тўла масъулият сезиш руҳида тарбиялашлари керак. Бундан буён ҳам партия, совет ва хўжалик органларининг ҳамма бўғинларида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, партия ва ҳукумат кўрсатмаларининг қандай бажарилаётганлигини текшириш ва ижрони уюштиришни яхшилаш ва такомиллаштириш керак.

Колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари пахта, шоли, мева, сабзавотдан, бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш учун, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашнинг олдинги маррасида турибди. Ҳозир қишлоқда салкам 200 минг коммунист меҳнат қилмоқда. Колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари — энг мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлган бақувват жанговар коллективлардир. Ҳозир ҳар бир колхоз партия ташкилоти ўртача ҳисобда 87 коммунистни, совхоз партия ташкилоти эса 120 коммунистни бирлаштириб турибди. КПСС XXIII съездидан кейин ўтган вақт ичида колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари составида икки мингдан ортиқ цех ташкилоти ва партия группаси тузилди. Эндиликда бу ташкилот ва группалар 14 мингтадан ошиб кетди.

Партия ташкилотлари ва партия группалари кенг шохобчаси вужудга келтирилганлиги туфайли, партиявий иш маркази бригадага, бўлимга, фермага, устахонага, хуллас, ишнинг муваффақияти ҳал қилинадиган жойларга тобора кўпроқ кўчирилмоқда. Бу эса партия комитетларига умуман коллективларни ғоявий ва ташкилотчилик таъсири билан тобора кенг кўламда қамраб олиш, ҳар бир кишининг кўнглига йўл топиш имконини бермоқда.

Цех партия ташкилотлари ва партия группалари тузиш йўли амалда ўзини оқлади. Партия ташкилотларининг бундай кенг шохобчаси партия сиёсатини ўтказишда партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашда уларнинг имкониятларини кўпайтиради.

Биз партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, уларнинг структурасини такомиллаштириш ишини бундан буён ҳам давом эттира беришимиз керак. Чунки ҳали ҳам партиявий таъсирдан четда қолаётган бир талай бригадалар, фермалар, бўлимлар ва бошқа ишлаб чиқариш участкалари бор. Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Сирдарё ва бошқа баъзи областларда бундай бригада ва фермалар айниқса кўп.

Шаҳар партия ташкилотлари, айниқса, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, химия саноати корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва илмий тадқиқот муассасалари партия ташкилотлари ҳам партиянинг қишлоқдаги сиёсатини амалга оширишда муҳим роль ўйнайдилар. Ана шу ташкилотларнинг коммунистлари ҳам КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини бажаришга доир конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС XXIII съезди кўрсатмаларига амал қилиб, бошланғич партия ташкилотларининг роли ва жанговарлигини ошириш, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва совет зиёлиларининг энг яхши намояндаларини партияга танлаб олиш йўли билан бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш соҳасида сабот билан иш олиб бормоқда. Партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятини яхшилаш чоралари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V ва XII пленумларида махсус муҳокама қилинди.

Ана шу пленумларнинг қарорларини бажариш — қисқа муддатли кампания эмас. Бу қарорларни бажармоқ учун мунтазам равишда, кунт ва сабот билан ишлаш керак. Партия ташкилотларининг роли ва жанговарлигини айрим чоралар билан кўтариб бўлмайди. Бу иш — кўп қиррали, мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёндир. Бу соҳа барча партия комитетларининг доимий куч-ғайрат сарфлашини ва кун сайин эътибор бериб туришини талаб қилади.

Бизнинг партиямиз янги вазифаларни қўйиб, навбатдаги марраларни белгилаб берган пайтда, ҳамиша партия сиёсатини амалга оширишга даъват этилган ўз кадрларига катта умид боғлайди. Партиянинг кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишига планли ва илмий жиҳатдан асосланган равишда ёндошишга, уларнинг фаолиятига объектив баҳо беришга қаратилган йўли кадрлар билан ишлаш практикасидан тобора мустаҳкам ўрин олмоқда.

Бу йўл ажойиб натижалар бермоқда. Кадрлар ўсиб, тажриба орттирмоқда, тағин ҳам дадил ва самарали ишламоқда. Эндиликда партия, совет ва хўжалик фаолиятининг асосий ҳал қилувчи участкаларига шижоат билан, бутун кучи, ғайрати ва билимини сарфлаб ишлайдиган тажрибали ва билимдон кадрлар бошчилик қилмоқда.

Янги мураккаб вазифалар кадрлар олдига катта талаблар қўймоқда. Партия комитетлари кадрлар билан ишлашни бундан буён ҳам такомиллаштириб боришлари, партия, совет ва хўжалик аппаратининг ҳамма бўғинларини чуқур билимга ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган маълумотли кишилар билан мустаҳкамлашга қаратилган йўлни давом эттиришлари керак.

Партия комитетлари малакали кадрларни, айниқса илғор ишчилар, колхозчилар орасидан етишиб чиққан кадрларни раҳбарлик ишига кўтариш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари зарур. Хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига дадил кўтариш керак. Раҳбар кадрларни ўқитиш билан тағин ҳам конкретроқ шуғулланиш лозим. Кадрларнинг ленинча иш услубини, айниқса экономика, техника, меҳнатни илмий ташкил этиш соҳасидаги чуқур ва пухта билимларни доимо эгаллаб боришларини турмушнинг ўзи талаб қилмоқда.

Умуман партияда бўлгани каби, республикада ҳам раҳбар партия ва совет кадрларини доимий ишлайдиган курслар орқали тайёрлаш ва ўқитишнинг мунтазам системаси вужудга келди. Ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари билан семинарлар ўтказиш тажрибаси ҳам ўзини оқлади. Бу тажриба партиявий ишни ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари билан узвий боғлаб олиб бориш имконини беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1969 йил январь-февраль ойларида ленинча иш услубига бағишлаб бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари билан республика семинари ва назарий конференциялар ўтказишга қарор қилди. Ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича ҳам ана шундай семинар ва назарий конференциялар ўтказилади. Цех партия ташкилотларининг секретарлари ўқувини ана шундай принципда ташкил этишни область партия комитетларига тавсия қиламиз.

Вазифа шундан иборатки, орттирилган тажрибадан фойдаланиб бошқа категориядаги ходимларнинг — колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассисларининг, оммавий касб кадрларининг, партия, совет ва хўжалик аппарати ходимларининг ҳам ўқувини ташкил этишнинг янги, энг яхши формаларини топиш керак.

Октябрь Пленуми қарорларини бажаришда ёшларимизнинг роли катта бўлади. Уларнинг олдида кенг уфқлар ва катта имкониятлар очилмоқда. Жўшқин ғайратли ва ташаббускор ёшларимиз Коммунистик партия ўртага қўйган вазифаларни бажариш учун курашда зарбдор кучдир. Область, шаҳар район партия комитетлари КПСС Марказий Комитетининг «ВЛКСМнинг 50 йиллиги ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифалари тўғрисида»ги қарорида баён этилган талаблар асосида комсомол ташкилотларига раҳбарликни яхшилашлари лозим.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ва совет кишилари фаровонлигини ошириш вазифалари — бутун партиянинг, бутун халқнинг ишидир. Зотан, барча партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари бу ишда ўз ўринларини топиб олишлари лозим.

Шу кунларда барча совет кишилари улуғ Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб нишонлашдек бир муддао, бир олижаноб истак билан яшамоқдалар. Корхоналарда ва қурилишларда, колхозларда ва совхозларда, меҳнаткашларнинг ҳамма коллективларида ана шу шонли сана шарафига социалистик мусобақа кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XIII пленуми республика меҳнаткашларининг Лениннинг шонли юбилейини муносиб кутиб олишни таъминлашга доир юксак социалистик мажбуриятларини маъқуллади. Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлиларининг меҳнатдаги бекиёс ғайрат-шижоати, уларнинг коммунизм моддий-техника базасини яратишга республика қўшадиган ҳиссани кўпайтириш йўлидаги азми-қарори шу мажбуриятларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Вазифа — омманинг меҳнатдаги жўшқин ғайратига ва сиёсий активлигига омилкорлик билан бошчилик қилишдан иборат. Социалистик мусобақани тўғри ташкил этиш, моддий, маънавий рағбатлантириш ва меҳнатни илмий ташкил этиш, меҳнаткашларнинг онгли интизоми ва уюшқоқлигини мустаҳкамлаш масалалари ҳамиша партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми партиянинг ҳозирги босқичдаги ғоявий-тарбиявий ишини ҳар томонлама кучайтириш зарурлиги яна бир марта таъкидлаб ўтди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз докладида бундай деди: «Биз апрель ва июль Пленумларида идеология ишига кўп эътибор берганлигимиз нақадар тўғри бўлганлигини, Чехословакиядаги воқеалар қайта-қайта тасдиқлаб турибди. Биз бундан буён ҳам бу ишга катта аҳамият беришимиз керак. Бу соҳадаги энг асосий йўллардан бири — империалистик идеологияга қарши, марксизм-ленинизмга қилинаётган ҳужумларга ҳамда ўнг ва сўл оппортунизмнинг бу таълимотни бузиб кўрсатиш йўлидаги уринишларига қарши курашни кучайтиришдан иборат. Биз ана шундай курашни олиб бордик ва бундан буён ҳам олиб бораверамиз. Буни партиямизнинг муқаддас бурчи деб биламиз».

Аввало, кадрларга, барча коммунистларга марксизм-ленинизм таълимотини ўргатишга, кенг меҳнаткашлар оммасини ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашга кун сайин эътибор бериш муҳим вазифадир. Партия комитетлари, барча бошланғич партия ташкилотлари идеология ишининг ҳар бир соҳаси билан конкрет шуғулланишлари, барча меҳнаткашларга ғоявий таъсир ўтказишлари, коммунистик эътиқодни, ватанпарварлик ва социалистик интернационализм туйғуларини барча совет кишиларида ҳар томонлама мустаҳкамлашлари зарур. Бизнинг ҳамма кадрларимиз ғоявий жиҳатдан бақувват бўлишларига, буржуа таъсирининг ҳар қандай формаларига зарба бера оладиган бўлишларига ҳаракат қилишимиз керак.

Ёшлар, студентлар билан ишлашнинг алоҳида аҳамияти бор. Ёшларни коммунизм даврида яшашга ўргатиш, йигит ва қизларни эътиқодли, идеалларимиз учун онгли курашчилар қилиб тарбиялаш — бутун партиянинг, бутун давлатнинг ишидир.

Оммага идеологик таъсир ўтказишнинг ҳамма воситаларидан кенг кўламда фойдаланиб, марксизм-ленинизм ғояларининг, совет халқи эришган жаҳоншумул-тарихий ғалабаларнинг енгилмас кучини, ленинча миллий сиёсат тантана қилганлигини чуқур ва яққол очиб бериш, социализмнинг капитализмдан бекиёс устунлигини кўрсатиш, сиёсий ҳушёрликни бутун чоралар билан ошириш, душман буржуа идеологиясига қарши кескин кураш олиб бориш лозим. КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарори ҳозир бутун идеология фаолиятига негиз қилиб олиниши керак.

* * *

Улуғ Ленин байроғига содиқ бўлган Ўзбекистон партия ташкилоти ҳамиша Ленин партиясининг жанговар отряди бўлиб қолади, марксизм-ленинизмнинг тўла тантанаси учун ҳормай-толмай кураша беради.

Ўзбекистон коммунистлари КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларини КПСС XXIII съезди қарорларини бажариш учун курашда жанговар ҳаракат программаси деб кутиб олдилар. Бинобарин Пленум ўртага қўйган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига шак-шубҳа, йўқ. Ўзбекистон меҳнаткашлари зўр тайёргарлик кўриб, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб оладилар.

Оқ олтин
ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 25 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бери
Бўка	0,09	103,21	Бекобод	0.18	92,74
Юқори Чирчиқ	0,02	102,83	Янгийўл	0,10	88,38
Оққўрғон	0,01	101,17	Оржоникидзе	0.49	82.03
Ўрта Чирчиқ	0.01	97,02	Область бўйича	0,08	97,04

«ПОЛЯРНАЯ ЗВЕЗДА» МАРРАГА ЕТДИ

Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг меҳнатсевар аъзолари В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилиб бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва уни йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан ўтказдилар. Шу кунгача давлат омборига пландаги 4106 тонна ўрнига 4114 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар.

Колхозчилар, механизаторлар ана шундай ютуққа эришиш учун ёз бўйи зўр ғайрат ва фидокорлик билан ишладилар. Йиғим-терим даврида ҳар бир киши маҳорат кўрсатиб меҳнат қилди. Колхозда ҳар йилдагидек машина теримига алоҳида эътибор берилди. «Зангори кема»лар билан 3041,5 тонна пахта терилиб бу соҳадаги план салкам 153 процент адо этилди. Топширилган ҳамма пахтанинг 74,5 проценти машиналар билан териб олинди.

Мўл ҳосил етиштиришда ва уни нобуд қилмай йиғиб-териб олишда кўпгина звенолар, участкалар, механизаторлар ғайрат кўрсатишди. Шораҳмедов, Меҳриев, Ли А. Субонов, Ким ва Эргашев каби уста механизаторлар мавсумда 90—115 тоннадан пахта териб топширдилар.

Колхоз аъзолари қолган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш ва уни давлатга топширишни бўшаштирмаган ҳолда 1969 йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаб қўйиш ишларини ҳам намунали олиб бормоқдалар.

ТАСС БАЁНОТИ

Шимолий Атлантика Иттифоқи кенгашининг яқинда Брюсселда сессияси бўлиб ўтди. Сессияни ўтказишдан олдин социалистик мамлакатларга қарши очиқдан-очиқ душманликдан иборат катта кампания ўтказилди. Бу кампанияни НАТО қатнашчиси бўлган бир қанча мамлакатларнинг ҳукуматлари ва уларнинг пропаганда органлари йўллаб турди.

Бу кампания кейинги ойларда Европада НАТО зарарига ўзгаришлар рўй берди, деган баҳона билан Шимолий Атлантика блокининг ҳарбий фаолиятини активлаштиришга тайёргарлик кўриш тарқасида, аввало Ғарбий Европа мамлакатларида тегишли сиёсий кайфият вужудга келтириш мақсадида ўтказилди. Вазиятни фавқулодда қилиб кўрсатмоқ учун кенгаш сессияси эълон қилинган муддатдан бир ой олдин ўтказилди.

Бошқача сўз билан айтганда, НАТОнинг агрессив доиралари Шимолий Атлантика блокига аъзо бўлган айрим давлатларнинг рўй бераётган аҳволга ҳушёрлик билан баҳо бериши мумкин бўлмайдиган вазиятни Брюссель сессиясида ва шу сессия атрофида вужудга келтирмоқ учун ҳамма чораларни кўрдилар, бу давлатларнинг Германия Федератив Республикаси, Англия ва АҚШга эргашиб, ҳарбий тайёргарликни кучайтиришга ўзларининг тайёр эканликларини кўрсатмасликлари уларни «Атлантика бирдамликни» бузди, деб айблашга олиб келган бўлур эди.

НАТО кенгаши сессиясининг бориши тўғрисидаги хабарлардан ва сессия тугагандан кейин эълон қилинган якунловчи ахборотдан маълум бўлишича, кескинликни сақлаб қолишга ўзининг бутун умидини боғлаган, «совуқ уруш» давридагидек фикр юритаётган, давлатларнинг Умумевропа негизида тинч ҳамкорлик қилиш йўлини рад этаётган доиралар Брюсселда ўз фикрларини ўтказиб турганлар.

Брюссель сессияси НАТО доирасида қўшимча ҳарбий тадбирлар ўтказишга ва НАТОда қатнашувчи давлатларнинг ҳарбий бюджетларини кўпайтиришга қаратилган қарорлар қабул қилинди. Ҳамма нарса шуни кўрсатиб турибдики, Брюсселда мўлжалланган ҳарбий программаларни амалга оширишга керакли янги маблағларни бир амаллаб топмоқ учун солиқ тўловчиларнинг бошига нималар келиши тўғрисида, солиқ исканжаси яна қай даражада бураб сиқилиши тўғрисида кўриладиган чораларнинг ҳаммаси ҳали тўла равишда айтилмаганга ўхшайди.

Бу қарорларни қуролсизланиш, халқаро низоли проблемаларни тинч бартараф қилиш, давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш вазифаси билан қандай қилиб мослаштириб бўлади? Чамаси, НАТО сессиясининг қатнашчилари бу масалалар тўғрисида унчалик бош қотирмаган бўлсалар керак. Улар муҳокама қилган масалаларнинг ўзи халқаро вазиятни ривожлантиришнинг ижобий истиқболини халқлардан пинҳон тутишга, қуролсизланиш пойгасини давом эттириш муқаррар, жанжал ва можароларнинг олдини олиб бўлмайди, деган кайфиятни халқларда туғдиришга қаратилган масалалар бўлди.

1969 йилда Шимолий Атлантика шартномасининг ҳар бир иштирокчиси шу шартномадан чиқиш учун юридик ҳуқуққа эга бўлиб қолади. Шу давр яқинлашиб келаётган бир вақтда НАТО кенгашининг сессияси «Совет таҳдиди бор» деган сийқаси чиққан тезисни рўкач қилиб, НАТО аъзоси бўлган бир қанча давлатларда Европада ва халқаро миқёсда ўз сиёсатини мустақиллик билан ўтказишга бўлган интилишни бўғмоқ учун ҳамма чораларни кўришга уринди.

НАТО раҳбарлари мавжуд мураккаб халқаро проблемаларга қўшимча қилиб янги, эҳтимол, тағин ҳам кескин проблемалар туғдириш пайига тушмоқдалар. Шу мақсадда улар халқаро ҳуқуқни, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставини, Германияга доир тўрт давлат тузган иттифоқчилик битимларини ўзларича талқин қилишга, НАТО «манфаатлари доираси»га янги давлатларни, ҳатто шу давлатларнинг фикрини сўрамай туриб киритишга, халқаро сувларнинг статусини ўз агрессив сиёсатларининг эҳтиёжларига мувофиқ ўзларича белгилаб олишга уринмоқдалар.

Шимолий Атлантика блоки эндигина тузила бошлаган вақтда совет ҳукумати бу блокнинг зўр империалистик давлатларнинг заиф давлатларни бўйсундириш воситаси бўлади, деб, бу иттифоқнинг мақсади демократик, озодлик ҳаракатлари ва мустамлакачиликка қарши ҳаракатлар билан курашишдан иборат бўлади, деб қайд қилиб ўтган эди. Шундан бери ўтган қарийб йигирма йилги давр бу баҳонинг ҳақ эканлигини тўла равишда тасдиқлади.

Шимолий Атлантика блоки Европа, Осиё ва Африкада неча марталаб танглик вужудга келтирди. Юз миллиардлаб доллар, фунт стерлинг, Ғарбий Германия маркалари халқлар бахт-саодатига, бутун инсоният манфаатдор бўлган энг зарур иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этишда хизмат қилиш ўрнига урушга тайёргарлик кўришга сарфланганлиги учун Шимолий Атлантика блоки жавобгардир.

Брюссель сессиясининг якунлари, сессия қатнашчиларининг, НАТО ўзининг таъсир ўтказиш доирасини Шимолий Атлантика шартномасида қатнашмаётган давлатларга ҳам жорий қилиши мумкин, деган гаплари бутун дунё олдида бу ҳарбий блок давлатларнинг агрессив империалистик коалицияси эканлигини янада яққол кўрсатди. Ўзларини бошқаларнинг манфаатлари ҳомийлари қилиб кўрсатаётган бу блок қатнашчилари умуман олганда ҳеч бир янги нарсани ихтиро қилганлари йўқ. Улар халқларнинг озодлигига ва мустақиллигига қасд қилганларнинг — мустамлака урушларининг ташкилотчилари ва гитлерчи агрессорларнинг неча марталаб фойдаланган бениҳоя қалбаки бўлган эски усулини ишга солмоқдалар. Шу нарса диққатга сазовордирки, ўз мамлакатларининг хавфсизлигини ва суверенитетини таъминлаш манфаатларини қадрлаётган ҳукуматлар НАТОнинг шу мамлакатларга зўрлаб васий бўлишга уринаётганлигини рад этмоқдалар, рад этганда ҳам дангал рад этмоқдалар.

Сессия қатнашчилари Ўрта денгиз районига ўзларининг кўпроқ қизиқаётганликларини кўрсатдилар. Ўз-ўзидан маълумки, Шимолий Атлантика блокининг арбоблари Европанинг турли қисмларида, бошқа қитъаларда, Ўрта денгизда, Яқин Шарқда ўзлари хоҳлаганларича хўжайинлик қилиш имкониятига эга бўлишни жон-диллари билан истайдилар. Бу арбоблар АҚШ Ўрта денгиз районида бир неча минг километр нарида бўлишига ва бу районга бевосита муносабати бўлмаслигига қарамай, унинг олтинчи флоти Ўрта денгизда турганлигини жуда бир табиий ҳол, деб ҳисобламоқдалар. Лекин Совет флотининг Ўрта денгизда туриши уларга ўнғайсиз бўлиб кўринмоқда. Совет флотининг Ўрта денгизда туриши, уларнинг агрессив ҳаракатларига ўнғайсизлик туғдиради.

Совет давлати Қора денгиз давлати бўлганлиги сабабли, бинобарин, Ўрта денгиз давлати ҳам бўлиб, шу районда туришга ҳақли ва ўзининг мана шу шак-шубҳасиз ҳуқуқини амалга оширмоқда. Совет ҳарбий кемалари Ўрта денгизда бирор халққа ёки давлатга таҳдид солиш учун тургани йўқ. Бу ҳарбий кемаларнинг вазифаси Ўрта денгиз районида стабиллик ва тинчлик ишига кўмаклашишдир.

Шимолий Атлантика блокидаги муайян доиралар ҳар қанча активлашсалар ҳам, асабийлашсалар ҳам халқлар уларнинг тинчликсевар давлатлар томонидан Европада ҳамкорликни йўлга қўйиш, бу қитъадаги вазиятни юмшатиш ва бутун мустаҳкамлаш борасида қилинган жуда катта ишларнинг якунини йўққа чиқаришга интилаётганликларига ҳеч қачон индамай қараб тура олмайдилар. Европа хавфсизлигини ва халқаро хавфсизликни қуролланиш пойгаси билан, ҳарбий тайёргарликларни авж олдириш йўли билан таъминлаб бўлмайди. НАТОнинг агрессив моҳияти ҳар қанча ниқобланса ҳам, аммо НАТО Брюсселда ўтказилган сессиясининг қарорлари Европа халқларининг ҳақиқий манфаатларини, мустаҳкам тинчлик манфаатларини заррача ифодаламайди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар мавжуд халқаро проблемаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиш программасини, қуролсизланиш соҳасидаги конкрет чоралар программасини, давлатларнинг социал тузумидаги мавжуд фарқларидан қатъи назар, ҳамма давлатлар ўртасида муносабатларни ривожлантиришга доир таклифларни ҳарбий тайёргарликларни кенгайтириш программасига қарама-қарши қилиб қўймоқдалар.

Совет Иттифоқининг халқаро ишларида ўтказаётган йўли равшан ва изчил йўл. Бу йўлни КПСС XXIII съездининг ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари, СССР Олий Советининг қарорлари, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар билан биргаликда қабул қилган қарорлар белгилаб берган. Бу социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг хавфсизлигини мустаҳкамлаш сиёсатидир, кескинликни юмшатиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, яхши қўшничилик муносабатларига интилаётган ҳамма давлатлар билан шундай муносабатларни ривожлантириш сиёсатидир. Бу агрессияга зарба бериш ва халқларнинг озодлик курашига ёрдамлашиш сиёсатидир.

Совет Иттифоқининг раҳбар доиралари шундай умид қиладиларки, реалистик йўл тутиш Шимолий Атлантика блокига аъзо бўлган давлатларда оқибат натижада устунлик қилади, чунки шу давлатлар халқларининг ҳам келажаги тинчликни мустаҳкамлаш, ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олиш билан чамбарчас боғланган.

ТАСС ўзига берилган ваколатга биноан шуни билдирадики, НАТО ҳарбий блоки қатнашчиларининг ҳар қандай ҳаракатлари Совет Иттифоқи Варшава Шартномасининг бошқа қатнашчилари билан биргаликда социалистик ҳамдўстлик давлатларининг хавфсизлигини таъминлашга доир тегишли тадбирларни амалга ошираётганида албатта ҳисобга олинади.

СОВЕТ КОСМИК ПРОГРАММАСИНИНГ НАВБАТДАГИ ҚАДАМИ

ЕР—ОЙ—ЕР ТРАССАСИДАН «ЗОНД-6» СТАНЦИЯСИНИ БОШҚАРИБ БОРГАН ҲОЛДА ТУШИРИШ

Космосни забт этишнинг қисқа муддатли, лекин илмий натижалари ғоят кўп бўлган тарихига совет халқи янги шонли саҳифа ёзди. **«Зонд-6» автомат станцияси Ой атрофини айланиб ўтиб, Ерга қайтиб тушди. Аммо унинг Ер юзасига қайтиб тушиши бошқарилиб турди.**

Бу тажриба муваффақиятли равишда амалга оширилганлиги космик аппаратларни ҳар бир янги учириш натижасида бу аппаратлар тобора такомиллаштирилаётганлигини, шу аппаратлар ёрдамида ҳал этилаётган илмий ва техникавий вазифаларнинг ҳажми ва мураккаблиги ошиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Шу билан бирга космосга қўйилган навбатдаги ҳар бир қадам янги сифатга эга бўлган қадам бўлиб қолмоқда, космосни тадқиқ қилишдаги совет программасининг зарур бўғини бўлиб қолмоқда.

Яқиндагина «Зонд-5» автомат станцияси Ой атрофини айланиб ўтиб, баллистик траектория бўйлаб Ерга қайтиб тушган эди. Мана шу мислсиз космик тажрибада иккинчи космик тезликда учаётган аппаратни Ой — Ер космик трассасидан қайтариб туширишдан иборат жуда мураккаб илмий техникавий вазифа жаҳонда биринчи бўлиб ҳал қилинган эди.

«Зонд-6» автомат станциясини учириш давомида тағин ҳам мураккаброқ илмий-техникавий проблемани — Ой атрофини айланиб учиб ўтган космик аппаратни Ерга туширишни бошқариб бориш проблемасини биринчи марта ҳал этишга муваффақ бўлинди.

«Зонд-6» автомат станциясининг учиш траекториясини учта асосий босқичга бўлиш мумкин. Учишнинг биринчи босқичида учирувчи ракетанинг охирги босқичидан ва станциянинг ўзидан иборат ракета-космик комплекс кўп босқичли учирувчи ракета ёрдамида Ер йўлдоши орбитасига чиқариб қўйилади.

Учишнинг иккинчи босқичида учирувчи ракетанинг охирги босқичи ёрдамида автомат станция ўрталик орбитадан парвоз қилиб Ойга томон учиш трассасига чиқиб олади. Автомат станция Ойни айланиб учиб ўтиб, Ерга томон йўл олади.

Учишнинг учинчи босқичида станция Ерга яқинлашиб келаётганида учириладиган аппарат ундан ажралиб чиқиб, Ер атмосферасига киради ва туширилиши бошқариб борилган ҳолда Совет Иттифоқи территориясининг олдиндан белгилаб қўйилган районига қайтиб келади.

«Зонд-6» станциясининг Ер—Ой—Ер трассаси бўйлаб учиши

«Зонд-6» автомат станцияси 1968 йил 10 ноябрь Москва вақти билан соат 22.11 минут 30 секундда кўп босқичли учирувчи ракета ёрдамида учирилиб, учирувчи ракетанинг охирги босқичи билан бирга Ер йўлдоши орбитасига чиқариб қўйилди. Бу орбитанинг параметрлари қуйидагича:

— Ер юзасига энг яқин нуқтаси (перигейида) — 185 километр;

— Ер юзасидан энг узоқлашган нуқтаси (апогейида) — 210 километр;

Орбитанинг экватор сатҳига оғиши — 51,4 градус.

Ракета-космик комплекс орбитага чиқиб олганидан кейин зарур равишда бурилиб ва фазодаги ўз ҳолатини стабиллаштириб олди.

Бошқаришнинг борт системасидан берилган командага биноан, соат 23.18 минут 30 секундда учирувчи ракетанинг охирги босқичидаги двигатель иккинчи марта ишга солиниб, станциянинг учиши тезлиги иккинчи космик тезликка (секундига 11.2 километр) етказилди, станциянинг Ойга томон учиши учун шундай тезлик бўлиши зарур эди. Тезлик ҳисоблаб қўйилган миқдорга етгач, двигателнинг ишлаши автоматик тарзда тўхтатилди ва космик станция учирувчи ракетанинг охирги босқичидан ажралиб чиқди.

Автомат станциянинг шундан кейинги бутун учиши Қуёш батареяларининг панеллари Қуёшга доимий йўллаб қўйилган ҳолатда давом этди. Бу батареялар уни электр энергия билан таъминлаб турди.

Қуёш батареяларининг Қуёшга йўлланиши қуйидаги тарзда бўлди. Космик станция учирувчи ракетанинг охирги босқичидан ажралиб чиқиши биланоқ, автоном бошқарув системаси тортиш кучига эга бўлган кичик двигателдан фойдаланиб, станциянинг ажралиб чиқиш чоғида пайдо бўладиган силкинишларни тўхтатди. Сўнгра Қуёшни қидириш бошланиб, станция шундай буриб қўйилдики, натижада Қуёш батареясининг сатҳи Қуёш-космик аппарат чизиғига перпендикуляр бўлиб қолди. Шундан сўнг Қуёш батареялари учиш чоғида ҳамиша Қуёшга қараб туришини таъминламоқ учун станция мана шу ўқ теварагида чирпирак қилиб айлантириб қўйилди, бунинг учун героскопик эффектдан фойдаланилди.

Станция ҳақиқатда қандай ҳаракат қилаётганлигини ўлчаб кўриш натижасида унинг ҳаракат траекторияси ҳисоблаб-белгилаб қўйилган траекторияга яқин эканлиги аниқланди. Бироқ станция учиб бораётганида у билан Ой ўртасидаги масофа белгилаб қўйилган миқдорда бўлишини таъминламоқ учун траекторияни тўғрилаб олиш керак эди.

Траектория тўғриланадиган вақт бир қанча шароитларни ҳисобга олиб белгиланиши лозим. Агар Ердан узоқланиш унчалик кўп бўлмаган шароитда траектория тўғриланадиган бўлса, Ой районида бу траектория жуда узоқлашиб кетади, траектория Ойга яқин масофада тўғриланадиган бўлса, бу нарса самарасиз бўлиб чиқиши мумкин ёки Ой атрофини оптимал траекторияда айланиб учишни таъминламоқ учун анча кўп миқдорда энергия сарфланишига олиб келади. Шу сабабли «Зонд-6» станцияси ҳаракатининг траекторияси Ердан 250 минг километр чамаси масофада тўғриланди.

Ердаги координациялаш-ҳисоблаш маркази траекторияни тўғрилаш учун асос қилиб олинадиган зарур маълумотларни траекторияни тўғриловчи импульснинг миқдорини ва йўналишини, ҳаракатлантирувчи установкани ишга тушириш моментини белгилаб берди.

Ҳисоблаб қўйилган вақт ичида бу маълумотлар станция бортига юборилди ва унинг бортидаги ҳисобловчи аппарат шу маълумотларни эслаб қолди.

Траекторияни тўғрилаш олдидан «Зонд-6»нинг фазодаги ҳолати Қуёшга ва Сириус юлдузига нисбатан белгилаб қўйилди.

Сўнгра космик станция ўзидаги ҳисоблаш аппарати эслаб қолган маълумотларга мувофиқ автоматик равишда бурилиб йўлини тўғрилаб олди, буни бажаришга тортиш кучи берувчи кичик двигателлар ёрдам берди. Бу бурилишлар натижасида тўғриловчи аппаратнинг ўқи фазода белгилаб қўйилган ҳолатни эгаллади.

12 ноябрь соат 8,41 минутда тўғриловчи двигатель установка ишга туширилди ва станция зарур миқдорда қўшимча тезлик олганидан кейин, бошқарув системаси двигатель установканинг ишлашини тўхтатди.

Тўғрилаш натижасида «Зонд-6» траектория бўйлаб учишни давом эттириб, Ой юзасидан 2420 километр наридаги масофада унинг атрофини айланиб учиб ўтди. (Бу масофа олдиндан белгилаб қўйилган эди).

Станция Ой атрофида учиб бораётган вақтда илмий тадқиқотлар комплекси бажарилди ҳамда Ой атрофидаги космик фазонинг физик хусусиятлари ўлчаб кўрилди.

Станция Ой атрофини айланиб учиб ўтганидан кейин Ойнинг гравитацион майдони вужудга келтирган силкинишларни йўқотмоқ учун 16 ноябрь соат 9.40 минутда Ердан 236 минг километр узоқликдаги масофада космик станция траекторияси иккинчи марта тўғрилаб қўйилди.

Тушириладиган аппарат Ер атмосферасига тағин ҳам аниқроқ кириб келиши учун 17 ноябрь соат 8.36 минутда траектория яна бир марта тўғриланди.

Бу тўғрилашлар тушириладиган аппаратнинг Ер атмосферасидаги белгилаб қўйилган йўлакка кириб келишини таъминлади. Қилинган ҳисобларга кўра, бу йўлакнинг кенглиги плюс-минус 10 километр бўлиб, шартли перигейнинг баландлиги 45 километрга тенг эди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ойни айланиб учиб ўтганидан кейин Ерга қайтиб келаётган космик аппаратни Совет Иттифоқи территориясининг белгилаб қўйилган нуқтасига қўндиришни таъминламоқ учун фақат шартли перигейнинг баландлигигагина эмас, шу билан бирга станциянинг Ерга яқинлашиб келиш вақтига ҳам ниҳоят даражада аниқ риоя қилиш лозим.

Космик станциянинг Ер атмосферасига кириб келиш вақти ҳисоблаб қўйилган вақтдан 5-10 минут олдин ёки кейин қолиб кетса, Ернинг айланиб туриши бунинг натижасида шундай хатога олиб келадики, бу хато космик станция йўналишини 300 километргача узайтириб юбориши мумкин.

Тўғрилаш чоғида мана шу нарса ҳисобга олинди.

Станция Ерга яқинлашиб келаётганида тушиш режимини амалга оширмоқ учун ундаги аппаратларга тегишли маълумотлар юборилди. Ер атмосферасига кириш олдидан станциянинг фазодаги ҳолатини белгилаб қўйиш мақсадида ундаги программали аппаратдан берилган командага биноан станциянинг ҳолати юлдузларга нисбатан белгилаб қўйилди ва унинг зарур йўналишга ўгирилиши таъминланди.

Шу операциялар бажарилгандан кейин программали-вақт аппаратидан берилган командага биноан, тушириладиган аппарат станциянинг асбоблар жойлаштирилган қисмидан ажратилди. Тушириладиган аппаратнинг стабиллаштирувчи системаси аппарат ажралаётган вақтда пайдо бўлган силкинишларни тўхтатди ва атмосферага кириш пайтида зарур атака бурчаги (аппаратнинг кўндаланг ўқи билан тезлик вектори ўртасидаги бурчак) вужудга келтирмоқ учун аппаратни тегишли равишда йўллаб қўйди. Тушаётган чоғда кўтарувчи кучнинг зарур миқдорини вужудга келтирмоқ учун шундай қилиш лозим эди.

Аппаратни бошқарган ҳолда тушириш ва Ерга қўндириш

Совет Иттифоқининг белгилаб қўйилган районига қўнмоқ учун тушириладиган аппарат атмосферанинг қалин қатламларига киргандан кейин тўққиз минг километр чамаси учиб бориши керак, чунки станция Ерга Жанубий ярим шар томонидан учиб келади.

Тушириладиган аппарат атмосферага умуман исталган томонидан: ё Шимолдан (атмосферага киришнинг Шимолий варианти) ёки Жанубдан (атмосферага киришнинг Жанубий варианти) киритилиши мумкин. Буни автомат станциянинг учиш траекторияси бўйлаб қилаётган ҳаракати йўналишини тегишли равишда белгилаб қўйиш йўли билан бажариш мумкин, Бироқ тушириладиган аппаратни СССР территориясига қўндириш учун фақат «Жанубий вариант» мақбул. Бунинг сабаби шуки, тушириладиган аппарат атмосферага шимол томонидан кириб келганида, унинг кириш нуқтаси ҳамма ҳолларда Совет Иттифоқи территориясининг Жанубий чегарасидан ўтади. Фақат фавқулодда ҳоллардагина «Шимолий вариант»дан фойдаланиб қўндириш мумкин бўлур эди, бундай ҳолда учиш давомида ўта юкланиш ниҳоят даражада катта бўлур эди. «Жанубий вариант»дан фойдаланишнинг ноқулай жиҳати шуки, бунда атмосферага кириш нуқтаси СССРнинг Жанубий чегарасида бир неча минг километр узоқлашган бўлади. Бошқариладиган учиш шароитидагина аппарат мана шундай узоқ масофани учиб ўтиши мумкин.

Учадиган аппаратни аэродинамик кучлардан фойдаланиш йўли билан энг рационал равишда бошқариш мумкин. Бунда рўпарадан бўлган қаршилик кучи билан кўтариш кучидан фойдаланилади. Туширишнинг бошқариладиган тушириш, деб ном олган бу тури Ой атрофини айланиб учиб ўтиш муваффақиятли чиққанидан кейин биринчи марта «Зонд-6» аппарати томонидан амалга оширилди. Бундай тушириш баллистик туширишга нисбатан анча мураккаб, чунки, бундай ҳолда учиш траекторияси тушириладиган аппаратни атмосферага икки марта шўнғитишни талаб қилади.

Бунинг учун туширишни бошқарувчи махсус аниқ система бўлиши зарур. «Зонд-6» аппаратида туширишни бошқаришнинг шундай қонуни қўлланиладики, бунда кўтариш кучининг миқдори унинг таъсир ўтказиш томонини ўзгартириш ҳисобидан (оғиш чизиғи бўйлаб буриш йўли билан) тегишли даражада ўзгартириб турилади, мана шунинг ўзи тезлик, баландлик ва олисликнинг белгилаб қўйилган миқдорда бўлишини таъминлайди. Кўтариш кучининг рўпарадан бўладиган қаршиликка нисбати аэродинамик сифат, деб аталади. Аэродинамик сифат нақадар кўп бўлса, тушиш траекторияси шу қадар ясси бўлиши, учишнинг олислиги шу қадар кўп бўлиши ва тушириладиган аппаратнинг манёвр қилиш имконияти шу қадар кенг бўлиши мумкин.

Туширишни бошқариш системасининг ишлаш принципини тушуниб олмоқ учун космик аппарат, масалан, ҳисоблаб-белгилаб қўйилган траекторияда бир мунча юқорироқда учиб бораётир, деб фараз қилайлик. Бундай ҳолда уни белгилаб қўйилган траекторияга қайтармоқ учун кўтариш кучини бошқа томонга—пастга йўллаш керак, бунинг учун туширишни бошқариш системаси камроқ тортиш кучи берадиган двигатель ёрдамида аппаратни оғиш чизиғи бўйлаб кўндаланг ўқ теварагида буриб қўяди.

Шундай қилинганида кўтариш кучи аппаратни атмосферадан «суриб чиқармайди» ва аппарат ҳаракатининг ҳисоблаб, белгилаб қўйилган траекториясига ўтиб, тезроқ пасаяверади.

Биринчи шўнғиш участкасида бошқарув системасининг асосий вазифаси учиш тезлигининг миқдорини ва траекториянинг оғиш бурчагини шундай бир юксак даражадаги аниқлик билан белгилаб беришдан иборатдирки, бу нарса иккинчи шўнғиш участкаси бошланиш олдидан олисликнинг ҳисоблаб қўйилган миқдорда бўлишини таъминлаб бера олсин. Учишнинг мана шу участкасида аэродинамик қаршилик кучи ҳисобидан аппаратнинг тезлиги камайиб, секундига 11 километрдан қарийб 7,6 километрга келиб қолади, бунда ўта юкланиш ва иссиқлик режими ҳам муайян миқдорда чеклаб қўйилади.

Биринчи шўнғиш участкасида ўқ нуқтасига тўғри келадиган ўта юкланишнинг энг кўп миқдори асосан бурчак перигейнинг баландлигига боғлиқ бўлиб, 4-7 бирликни ташкил қилади.

Кўтариш кучининг бошқарувчи таъсири биринчи шўнғиш участкасида атмосферадаги аэродинамик тормозланиш натижасида траекториянинг Ерга томон қийшайишига йўл қўймайди ва шу участкада аппаратнинг ҳисоблаб белгилаб қўйилган баландликдан пасайиб кетишига имкон бермайди.

Сўнгра аппарат атмосферанинг тиғиз қатламларидан чиқиб олиб, баллистик траектория бўйлаб бошқарилмайдиган учишни давом эттиради.

Шу участкадаги учиш вақтида туширишни бошқарувчи система аппаратни иккинчи шўнғиш участкасида бошқариш учун зарур ҳолатга келтириб, унинг шу ҳолатини яна стабиллаштиради.

Атмосферага яна шўнғиш чоғида бошқарув системасининг автоматикаси шу участка учун керакли тушириш программасини танлаб олиб, аппаратнинг Совет Иттифоқи территориясининг белгилаб қўйилган районида юксак даражада аниқлик билан Ерга қўнишини таъминлайди. Бу участкадаги иссиқлик оқимлари биринчи шўнғиш участкасидагига қараганда анча камроқ бўлиб, бундаги иссиқликнинг миқдори Ер сунъий йўлдоши орбитасидан тушиш чоғидаги иссиқликнинг миқдоридан ортиқ эмас. Бироқ, станция устига қопланган ва уни иссиқликдан ҳимоя қиладиган воситалар биринчи шўнғиш жараёнидаги кучли иссиқлик оқимларининг таъсирига учраганлиги ва яна шу участкада ҳам қизиб турганлиги аппаратни иссиқдан мустаҳкам равишда ҳимоя қилиш вазифасини ҳал этишни анча мураккаблаштиради. Шу сабабли тушириладиган аппаратга қопланган ва уни иссиқликдан ҳимоя қиладиган воситалар мураккаб конструкцияга эга бўлиб, бу конструкция аппарат ускуналарини ва конструкция элементларини ҳаддан ташқари қизиб кетишдан сақлайдиган материаллардан, яъни қизишга ва иссиқликка бардош берадиган материаллардан таркиб топган.

«Зонд-6» станциясининг тушириладиган аппарати 1968 йил 17 ноябрь, соат 16,58 минутда атмосферанинг тиғиз қатламларига кирди.

Станция атмосферага кираётган чоғда унинг ичидаги ҳисоблаш аппарати биринчи шўнғиш участкаси учун керакли учиш программасини танлаб берди ва учишни бошқариш системаси бу программани аниқ бажарди. Тушириладиган аппарат атмосферадан чиқаётганида унинг тезлиги ва траекториясининг оғиш бурчаги ҳисоблаб-белгилаб қўйилган миқдорга жуда яқин эди. Аппаратнинг атмосферага яна кириши учун тайёргарлик операцияларининг ҳаммаси атмосферадан ташқари участкада автоматик равишда бажарилди ва аппарат ҳисоблаб-белгилаб қўйилган режимда атмосферага кирди. Иккинчи шўнғиш участкасининг охирида бошқарув системаси аппаратни қўндириладиган районга йўллаб юборди.

7,5 километр баландликда тезлик секундига 200 километр чамаси бўлиб турган пайтда парашют системаси ишга солинди ва аппарат Ерга қўнди.



"ЗОНД-6" СТАНЦИЯСИДАН ЕР АТМОСФЕРАСИГА ТУШИРИЛАЁТГАН АППАРАТНИНГ МАНЕВР ҚИЛИШ СХЕМАСИ
АТМОСФЕРАДАН ТАШҚАРИДАГИ УЧИШ ҚИСМИ
АТМОСФЕРАНИНГ ШАРТЛИ ЧЕГАРАСИ
АТМОСФЕРАГА КИРИШНИНГ 2-ҚИСМИ ВА ҚЎНИШ
ТА нинг АТМОСФЕРАСИЗ УЧИШ ТРАЕКТОРИЯСИ
ТА нинг СТАБИЛИЗАЦИЯСИ
ТА нинг АТМОСФЕРАГА КИРИШИНИНГ 1-ҚИСМИ
КИРИШ ДАҲЛИЗИ
ТА нинг „ЗОНД-6" СТАНЦИЯСИДАН АЖРАЛИШИ

РАСМ 2.

Учишнинг илмий техникавий вазифалари

«Зонд-6» автомат станциясининг муҳим илмий вазифаларидан бири Ер — Ой — Ер трассасидаги радиация ҳолатини тадқиқ қилишдан иборат бўлди. Маълумки, ҳозирги вақтда Қуёш активлиги кучайиб кетганлиги кўриниб турибди. Чунончи, шу йил октябрь ойининг охирида Қуёшда катта-катта портлашлар бўлганлиги қайд қилинди, бу эса космик нурларнинг интенсивлигини анча кўпайтириб юборди.

Қуёшдаги портлашлар билан бир қаторда ундан тарқаладиган нур тўлқинларининг айниқса кучайиб кетиши ва радиация зоналари одамнинг космосга кириб боришида муайян хатар туғдириши мумкин. Шу сабабли космик фазодаги нур тўлқинларининг ҳар хил манбалари биологик объектларга қандай таъсир қилишини кўрсатувчи маълумотларни қўлга киритиш катта илмий аҳамиятга эга.

Биологик объектлардан фойдаланиб радиацияни тадқиқ қилиш ишлари «Зонд-5» автомат станцияси ёрдамида бошланган эди. «Зонд-6» станцияси ҳам бу тадқиқотларни давом эттирди.

Шу билан бир қаторда бирламчи космик нурларнинг кўп зарядли таркибини (катта зарядлар соҳасини) ўрганиш учун маълумотлар тўплаш мақсадида тажриба ўтказилди. Бу тажриба чоғида қўлланилган фотоэмульсияли камералар Ердан бир неча юз минг километр олис масофада шундай тадқиқотларга керакли маълумотларни олишга имкон беради.

«Зонд-6» станциясида метеор заррачаларини қайд қилувчи аппарат ўрнатилган эди. Бу аппарат учиш трассасида ва Ой атрофидаги фазода мазкур заррачаларнинг тиғизлигини ва энергетик характеристикасини белгиламоқ учун маълумотлар тўплашга ёрдам берди. Шу жиҳатдан қараганда «Зонд-6» станцияси ерга қайтаётганида «Леонидлар» метеор оқимлари орқали ўтиш эҳтимоли бўлганлиги сабабли бу оқимнинг станцияга таъсирини ўрганиш катта аҳамиятга эга эди, чунки «Леонидлар» метеорлар оқими маълум бўлган бошқа метеор оқимларидан ўзининг бир хусусияти билан, яъни ўша оқимларга нисбатан энг катта тезликда (секундига 72 километр чамаси тезликда) Ерга дуч келиши билан фарқ қилади. Табиатнинг энг ажойиб ҳодисаларидан бўлган бу оқимни одамлар кўп марталаб кўрганлар ва бу ажойиб оқимга «Юлдуз учиши» деб ном берганлар. Ҳозирги вақтда, Юпитернинг тортиш кучи таъсири билан бўлса керак, бу оқимнинг фазодаги жойи бир мунча ўзгарди.

Станция қайтиб келаётганида унинг учиш вақти Ер «Леонидлар» оқимининг ташқи қатламлари орқали ўтаётган вақтига тўғри келиб қолди. Станциянинг метеорлар билан тўқнашиш имконияти кам бўлса ҳам, аммо бу ҳолат бундай учрашиш эҳтимолини кучайтиради Олинган маълумотни синчиклаб ишлаб чиқиш бу саволнинг жавобини топишга ёрдам беради.

Ой юзасидан ўн минг километрдан уч ярим минг километргача бўлган баландликда Ой юзасининг сурати фотоплёнкага олинди. Шу фотоплёнкани «Зонд-6» станцияси Ерга олиб тушди ва уни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Суратни жуда аниқ акс эттирадиган бу плёнка «Луна-3» ва «Зонд-3» станцияларида ўрнатилган фототелевизион аппаратлар ёрдамида олинган Ойнинг суратларига нисбатан анча юқори сифатли суратлар олишга имкон берди.

Суратларнинг сифати яхши бўлганлигининг сабаби шуки, одатда тасвирларни радио канал орқали юборганда, унга таъсир қилиб суратнинг сифатини бузадиган ҳалақит берувчи таъсирлар бўлмади. Ойнинг юзаси фокус масофаси 400 миллиметрли объектив ўрнатилган фотоаппарат билан суратга олинди. Кадрларнинг катталиги 13х18 сантиметр.

Олинган илмий материалларни батафсил ишлаб чиқиш учун бирмунча вақт керак бўлади. Лекин олимлар лабораториясига келтирилган қимматли янги маълумотлар ҳажми катта эканлигини ҳозир ҳам айтиш мумкин.

«Зонд-6» станциясини учириш чоғида ҳал этилган асосий техникавий вазифалар қуйидагилардан иборат бўлди:

1. Космик станцияни Ер — Ой, — Ер трассаси бўйлаб учириш ва Ерга қайтариш янада такомиллаштирилди.

2. Иккинчи космик тезлик билан атмосферага кириш чоғида станцияни туширишни бошқариш системаси такомиллаштирилди. Станцияни бошқариш унинг атмосферага кириш чоғидаги ўта юкланишни ўзгартиришга асосланган.

Ҳисоблаб белгилаб қўйилган (номиналь) траекторияда учиш вақтидаги ўта юкланиш жуда муайян равишда ўзгартирилади ва ўта юкланишни, масалан, тушиш вақтига қараб ўзгартириш программасини бериб қўйиш мумкин. Реал учиш шароитида таъсир қилаётган ўта юкланиш миқдорини ўлчаб кўриб ва буни программада белгиланган миқдор билан солиштириб, ҳаракатнинг характери тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Чунончи, ўта юкланишнинг миқдори программада белгилаб қўйилган миқдордан ошиб кетса, бу ҳол тушириладиган аппаратнинг ҳисоблаб-белгилаб қўйилган траекторияга нисбатан пастроқ траектория бўйлаб бораётганини билдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, туширишни бошқариш системасининг иши Ердан контроль қилиб турилмайди, чунки тушириладиган аппаратни ҳавонинг ионлашган қатлами қуршаб олган бўлиб, бундай шароитда Ер билан алоқа бўлмайди. Бундай шароитда бошқарув системаси айниқса аниқ ва мустаҳкам ишлаши керак. Бу эса мана шундай автоматик тарздаги учишни техникавий нуқтаи назардан ниҳоят даражада мураккаб қилиб қўяди.

3. Тушириладиган аппаратнинг аэродинамик формаси ва характеристикалари учиш шароитида пухта синаб кўрилди.

Туртиб чиқиб турадиган қисмлари бўлмаган ўқ-симметрик сегменталь-конус формалар тушириладиган аппарат учун энг мақсадга мувофиқ форма бўлади. Кўтариш кучини вужудга келтирмоқ учун бундай формадаги аппаратни шундай бир тарзда ясаш керакки, оғирлик маркази симметрия ўқига нисбатан нарироқда бўлсин. Ана шунда аппарат атмосферада ҳаракат қилаётганида баланслаш бурчаги деб аталган, атака бурчагига эга бўлади ва ҳавонинг ёпирилиб келаётган оқими тушириладиган аппаратнинг симметрия ўқига нисбатан бурчак ҳосил қилиб ўтади. Симметрик жисмга ҳавонинг носимметрик тарзда тегиб ўтиши аэродинамик кўтариш кучини вужудга келтиради.

«Зонд-4» ва «Зонд-5» станциялари каби «Зонд-6» станциясини ҳам учиришдан кузатилган мақсад ичига одам тушиб, Ойга учиб борадиган кеманинг автомат тарзда ишлайдиган варианти конструкциясини учириб синаб кўриб, такомиллаштиришдан, шунингдек кема ичига ўрнатилган системаларнинг Ер—Ой—Ер трассаси бўйлаб реал шароитдаги учиши чоғида синаб кўришдан иборат бўлди.

«Зонд-6» станциясининг учиши муваффақиятли бўлиб чиққанлиги унинг конструкцияси техник жиҳатдан юксак даражада такомиллашганлигидан далолат беради.

Мўлжалланган вазифаларни автомат станция тўла бажарди.

«Зонд-6» автомат станцияси учирилганлигининг аҳамияти

«Зонд-6» автомат станциясининг учиши муваффақиятли ўтганлиги совет олимлари ва инженерлари космик трассаларни ўзлаштириш ҳамда космик аппаратлар ва кемаларни ерга қайтариш сингари қийин йўлда яна бир катта қадам қўйганликларини яққол кўрсатди.

«Зонд-4», «Зонд-5» ва «Зонд-6» автомат станцияларни учириш программасида космонавтиканинг принципиал янги вазифаларини ҳал қилиш кўзда тутилди. «Зонд» станцияларининг учишлари натижасида ичига одам тушиб, Ойга учадиган ва учувчи бошқариб борадиган космик кеманинг конструкцияси, унинг ичидаги системалар ва аппаратларнинг ишларига доир бир қанча муҳим тажриба тарзидаги маълумотларни қўлга киритишга, шунингдек, команда — ўлчов комплекси воситаларининг ишлаш қобилиятини текшириб кўришга имкон берди.

Совет Иттифоқи Ойни ўрганишнинг илмий жиҳатдан асосланган программасини изчиллик билан амалга оширмоқда, Ойни тадқиқ қилиниши лозим бўлган муҳим объект деб ҳисобламоқда Совет Иттифоқининг бу соҳадаги муваффақиятлари жаҳон жамоатчилигига яхши маълум. 1959 йилдан бошлаб совет автомат аппаратларини учиришга киришдик. Бу учишлар ҳозирги замон фанига катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаб берди, Ойнинг шакли ва юзаси тўғрисидаги, унинг физик хоссалари ва химиявий таркиби, Ой атрофидаги космик фазонинг параметрлари тўғрисидаги билимларимизни бойитди. Ой тескари томонининг биринчи фотосуратлари, космик станция Ойга юмшоқ қўндирилганлиги ва Ой юзасининг манзарасини тасвирловчи суратлар Ерга юборилганлиги, Ойнинг сунъий йўлдошлари «Зонд» туркумидан бўлган станцияларнинг муваффақиятли учишлари — мана шуларнинг ҳаммаси ойни тадқиқ қилиш программамизнинг бир-бирига уланиб кетган босқичларидир.

Совет автомат космик станциялари ёрдамида Марс ва Венерани тадқиқ қилиш ҳам жаҳон фанига жуда катта ҳисса қўшди ҳамда планеталараро фазо тўғрисида ва планеталар ҳақида катта ҳажмда жуда муҳим маълумотлар тўплашга имкон берди, бу эса тағин ҳам мукаммалроқ космик аппаратлар вужудга келтиришга ҳамда космонавтика олдига тобора мураккаб вазифаларни дадил равишда қўйишга имконият беради.

Ернинг сунъий йўлдошлари муҳим халқ хўжалик вазифаларини ва илмий вазифаларни ҳал қилиш учун кенг қўлланадиган бўлиб қолди «Космос», «Молния», «Электрон» «Протон» ва бошқа шу сингари туркумлардан бўлган сунъий йўлдошларимиз одамларга хизмат қилмоқда ва коммунистик қурилишнинг жуда катта вазифаларини ҳал этишга муваффақиятли ёрдамлашмоқда.

«Зонд» туркумидан бўлган космик станцияларнинг учирилиши катта амалий аҳамиятга эга, чунки одамнинг Ойга учиб бориши, космосда учиш жараёнида қилинган илмий тадқиқотлар натижаларини ерга олиб тушиш борасида янги истиқболлар очиб беради.

«Зонд-6» станциясининг учиши бу аппаратнинг конструкцияси иккинчи космик тезлик билан туширишни бошқариб бориш вазифасини мустаҳкам бажариш талабларини таъминлай олишини кўрсатди. Бу эса келгусида Ер ва планеталар атмосферасида манёвр қилиб учиш учун катта аҳамиятга эга.

Космик фазони ва Ойни ўзлаштириш ва ўрганиш программасини амалга ошириш соҳасида Совет Иттифоқида навбатдаги катта қадам қўйилди.



РАСМ 1.

ДЎСТОНА ВИЗИТ

25 ноябрда Ўзбекистон пойтахти Германия Демократик Республикаси парламент группаси делегациясини шодиёна қабул қилди. Делегацияга шу парламентнинг раиси доктор Рольф Зибер бошчилик қилмоқда. Делегация СССР парламент группасининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди. Делегация составида ГДР парламент группаси раисининг ўринбосарлари Вильгельм Бенке, Рудольф Агстен, Зигфрид Дальман, Вольфганг Хайл, Пауль Шольц бор. Делегацияга ГДРнинг СССРдаги элчихонасининг биринчи секретари Эдгар Райнхард ҳамроҳлик қилмоқда.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, республика Олий Советининг депутатлари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.

Германия Демократик Республикасининг вакиллари келганидан бир оз фурсат ўтгач, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ҳузурига ташриф буюрдилар.

Делегация аъзолари Ўзбекистон пойтахтининг ҳаёти билан танишдилар, унинг янги қурилишларини кўздан кечирдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова Германия Демократик Республикаси парламент группаси делегацияси шарафига зиёфат берди. (ЎзТАГ).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

№ 1968. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 6469. Р. 08944.